

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



## ДЕФЕКТОЛОГИЯ

Махсус педагогика фанларини ўқитишнинг  
инновацион муҳитини лойиҳалаштириш

МОДУЛИ БҮЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

А	Б	В	Г	Д	Е	Ж
З	И	Й	Қ	Л	М	Н
Ӯ	П	Р	С	Т	Ү	Ф
Ҳ	Ҷ	Ҵ	Ҷ	Ҷ	Ҷ	Ҷ
Ь	Э	Ю	Я			

ТОШКЕНТ-2021

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилаар:** **М.Ю.Аюпова** - Низомий номидаги ТДПУ —Логопедия” кафедраси профессори., п.ф.н.  
**М.П.Имомов** - п.ф.ф.док. (PhD)

**Тақризчилаар:** **М.Ф.Хакимова** - Тошкент давлат иқтисодиёт университети — Касб таълими (иқтисодиёт)” кафедраси мудири, проф., п.ф.д.  
**Н.З.Абидова** - Низомий номидаги ТДПУ —Логопедия” кафедраси мудири, доц.в./б., PhD.  
**Хорижий эксперт:** п.ф.д., профессор О.С.Орлова – Россия, Москва давлат педагогика университети.

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>31</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	Ошибка! Закладка не определена.
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>153</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>154</b>
<b>VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>165</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий ва педагогиккомпетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари вақонунчилик нормалари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизидаилмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларининг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Модулнинг **вазифалари** қўйидагилар киради:

“Дефектология” йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакаси ошириш курси тингловчиларида тарих фанинг замонавий долзарб муаммолари ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилиш;

педагог кадрларнинг дефектология фанларии бўйича касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг соҳага оид касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

максус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Дефектология”йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

- Махсус педагогика фанининг замонавий назарий қарашлари ва етакчи концепцияларини;
  - олий таълим тизимида дефектология таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни;
  - таълим мазмунини модернизациялашни;
  - таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;
  - махсус педагогика фанларининг умумий ва хусусий тушунчаларини;
  - махсус педагогика фанининг ютуқлари ва инновацияларини;
  - касбий соҳасидаги педагогик тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ёндашувларни;
  - тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурларни **билиши** керак.
- фанлардаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- дарсларда тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- фанни ўқитишда ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалардан фойдаланиш;
- таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим**.
  - ўқитувчининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;
  - модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;
  - таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш;
  - дидактик таъминотни такомиллаштириш каби **малакаларига эга бўлиши лозим**.
- Махсус педагогика фанларининг замонавий йўналишларига оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларини педагогик фаолиятда қўллай олиш;
- машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялар, тингловчилар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни кўллаш;

– таълим жараёнида тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиласиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;

– ривожланган мамлакатларда маҳсус педагогика фанларини ўқитиш методикасидаги илғор тажрибаларни таълим-тарбия жараёнига модернизатсия қилган ҳолда қўллаш **компетенцияларига эга бўлиши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Маҳсус педагогика фанларини ўқитишнинг Тарих ўқитиш методикаси” йўналиши бўйича маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Маҳсус педагогика фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш” модули мазмуни ўқув режадаги ”Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Педагогонинг касбий профессоналигини ошириш”, “Педагогик тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари”, “Реабилитацион педагогика”, “Таълимда алоҳида эҳтиёжи бўлган болаларнинг инклузив таълими” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

### **Модулнинг услугий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетлика келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига кўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий-хуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар тарих фанининг замонавий концепциялари ва фаннинг долзарб назарий муаммолари, тараққиёт тенденцияларива инновацияларини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир **касбий компетентликка** эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Умумий соат	Жами аудитория соати	Жумладан		Мустакил таълим
				назарий	амалий	
1.	Махсус педагогика фанларини ўқитишнинг инновацион мухитини лойихалаштириш курсининг назарий асослари.	4	4	2	2	-
2.	Махсус педагогика фанларининг ўқитишнинг инновацион мухитини лойихалаштириш фанини ўқитишида инновацион таълим.	6	6	2	4	-
3.	Махсус педагогика фанларини ўқитишида маъруза машғулотларини лойихалаштириш.	4	4	2	2	-
4.	Махсус педагогика фанларини ўқитишида амалий машғулотларни лойихалаштириш.	4	4	2	2	-
5.	Махсус педагогика фанларини ўқитишида семинар машғулотларини лойихалаштириш.	2	2	-	2	-
6.	Махсус педагогика фанларини ўқитишида талабаларнинг мустакил таълимини лойихалаштириш.	2	2	-	2	-
<b>Жами</b>		<b>22</b>	<b>2</b>	<b>8</b>	<b>14</b>	<b>-</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1 - мавзу. Махсус педагогика фанларининг ўқитишнинг инновацион мухитини лойихалаштириш фанининг назарий асослари**

Замонавий шароитда педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари. Дефектологларнинг тайёрлашнинг хукуқий-мёерий ва ташкилий асослари. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фанининг мақсади, вазифалари. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикасини ўрганиш учун зарур бўлган ўқув фанларининг хусусиятлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

### **2 – мавзу. Махсус педагогика фанларининг ўқитишнинг инновацион мухитини лойихалаштириш фанини ўқитишда инновацион таълим**

Махсус педагогикадаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари. “Ўқитиш методикаси” ва “Педагогик технология” тушунчалари тавсифи. “Ўқитиш методикаси” ва “Таълим технологияси” тушунчаларининг қиёсий таҳлили. Илғор педагогик технологияларни тадбик этишда анъанавий ва инновацион ёндошувни уйғулаштириш зарурияти. Таълимнинг интерфаол методлари мутахассислик фанларни ўқитишда инновацион таълим методларини қўллаш.

### **3– мавзу. Махсус педагогика фанларини ўқитишда маъруза машғулотларини лойиҳалаштириш**

Маъруза ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири. Маъруза мақсади, вазифалари, тузилиши. Маъруза турлари: муаммоли маъруза, визуаллаштириши маърузаси, хамкорликдари маъруза, пресс-конференция маърузаси, сұхбат-маъруза.

### **4 – мавзу. Махсус педагогика фанларини ўқитишда амалий машғулотларни лойиҳалаштириш**

Амалий машғулотлар ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири. Амалий машғулот мақсади, тузилиши. Амалий машғулотларни ташкил этиш шакллари: Машқлар, тренинглар, вазиятли топшириқларни ҳал этишга қаратилган машғулотлар, ролли ўйинлар, ишга доир ўйинлар, кўчма машғулотлар

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1 - мавзу. Махсус педагогика фанларининг ўқитишнинг инновацион мухитини лойихалаштириш фанининг назарий асослари**

Замонавий шароитда педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари. Дефектологларнинг тайёрлашнинг хуқуқий-мёёрий ва ташкилий асослари. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фанининг мақсади, вазифалари. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикасини ўрганиш учун зарур бўлган ўкув фанларининг хусусиятлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

### **2 – мавзу. Махсус педагогика фанларининг ўқитишнинг инновацион мухитини лойихалаштириш фанини ўқитишда инновацион таълим**

Махсус педагогикадаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари. “Ўқитиш методикаси” ва “Педагогик технология” тушунчалари тавсифи. “Ўқитиш методикаси” ва “Таълим технологияси” тушунчаларининг қиёсий таҳлили. Илғор педагогик технологияларни тадбик этишда анъанавий ва инновацион ёндошувни уйғунлаштириш зарурияти. Таълимнинг интерфаол методлари мутахассислик фанларни ўқитишда инновацион таълим методларини қўллаш.

### **3– мавзу. Махсус педагогика фанларини ўқитишда маъруза машғулотларини лойиҳалаштириш**

Маъруза ўкув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири. Маъруза мақсади, вазифалари, тузилиши. Маъруза турлари: муаммоли маъруза, визуаллаштириши маъruzаси, хамкорликдари маъруза, пресс-конференция маъruzаси, сұхбат-маъруза.

### **4 – мавзу. Махсус педагогика фанларини ўқитишда амалий машғулотларни лойиҳалаштириш**

Амалий машғулотлар ўкув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири. Амалий машғулот мақсади, тузилиши. Амалий машғулотларни ташкил этиш шакллари: Машқлар, тренинглар, вазиятли топшириқларни ҳал этишга қаратилган машғулотлар, ролли ўйинлар, ишга доир ўйинлар, кўчма машғулотлар

### **5– мавзу. Махсус педагогика фанларини ўқитишда семинар машғулотларини лойиҳалаштириш**

Семинар машғулотлар ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири. Семинар машғулотининг вазифалари, тузилиши, турлари. Семинар машғулотларини ташкил этиш шакллари: пресс-конференция, назарий конференция, очик мунозара семинари, дидактик ўйин семинари, “айлана стол” семинари, колоквиум, тадқиқот семинарлари, шархли ўқиш ва адабиётларни тахлил этиш.

#### **6—мавзу. Махсус педагогика фанларини ўқитишда талабаларнинг мустақил таълимини лойиҳалаштириш**

Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш мақсади. Мустақил таълим турлари, мустақил таълим таснифи. Мустақил таълимни режалаштириш, Мустақил таълим мавзулари.

## **ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хуносалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (loyихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Тест топшириклари		1 балл
2	Мустақил иш топшириклари	2.5	1 балл
3	Амалий топшириклар		0.5 балл

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

Бугунги кунда ўқитишининг замонавий методлари таълим жараёнида кенг қўлланилмоқда. Ўқитишининг замонавий методларини қўллаш ўқитиши жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъянавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим оловчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўкув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишида ақлий ҳужум, кичик гурухларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиха, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим оловчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методлар интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аталади. **Интерфаол методлар** деганда таълим оловчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим оловчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим оловчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим оловчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим оловчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қўйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиши-ўрганиш;
- таълим оловчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиши шиддатини таълим оловчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим оловчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-куватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.



### **“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ**

**“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ** - таълим оловчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўкув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш хукуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуктаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



### **“Кичик гурухларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлик бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурухлар белгиланади. Таълим олувчилар гурухларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурухлар топширикни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.

5. Кичик гурухлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириклар мұхокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гурухлар баҳоланади.

**«Кичик гурухларда ишлаш» методининг афзаллиги:**

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мұлоқотта киришиш күнікмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вактни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим оловчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

**«Кичик гурухларда ишлаш» методининг камчиликлари:**

- баъзи кичик гурухларда кучсиз таълим оловчилар бўлғанлиги сабабли кучли таълим оловчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим оловчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гурух ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

**“ДАВРА СУҲБАТИ” МЕТОДИ** – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим оловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сухбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим оловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сухбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим оловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим оловчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим оловчини барча диққат билан тинглайди, агар мұхокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг мұхокама қилинади. Бу эса таълим оловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Қуйида “Давра сухбати” методининг тузилмаси келтирилган.

**Давра столи тузилмаси**

Ёзма давра сухбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим оловчига конверт қофози берилади. Ҳар бир таълим оловчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варакаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб кўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим оловчига узатади. Конвертни олган таълим оловчи ўз жавобини “Жавоблар варакаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб кўяди ва ёнидаги таълим оловчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

**“Давра сухбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим оловчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.

3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гурухда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варакалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варакалари”га ўз исми-шарифини ёзади.


4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варакаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варакалари”дан бирига жавоб ёзди ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варакалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.



Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гурухдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

**“БАХС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ-** бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзуу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида мухокама килиниши назарда тутилган холда ушбу метод күлланилади. Бахс-мунозарани бошкариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Бахс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга харакат килиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётгандан таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дархол бартараф этишга харакат килиш керак.

“Бахс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги коидаларга амал килиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” коидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя килиш;
- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Бахс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



#### **Методнинг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чикади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу боскичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласади.

5. Тахлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.



## "ФСМУ" методи

“ФСМУ”-(фикр, сабаб, мисол, умумлаштириш) методи мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўкув жараёнининг баҳс-мунозарали ўтказишда кўлланилади, чунки бу метод тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя килишга, эркин фикрлаш, ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятига ўргатади. Бу метод янги мавзуни чукур ўрганишдан аввал тингловчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат килиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, ўзлаштириш, умумлаштириш, тингловчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини ёзма шаклда, далил ва исботлар билан ифодалашга унрайди.

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, такқослаш, киёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустакил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат киласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини тахлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг боскичлари ёзилган коғозларни тарқатилади:
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот килинади.

Ф

- фикрингизни баён этинг

С

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

М

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

У

- фикрингизни умумлаштиринг

**ФСМУ** таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқулар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр:** “Тарих фанидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

**1-Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ технологияси орқали таҳлил қилинг.

**2-Топшириқ:** Бухоро амирилиги, Хива хонлиги, Кўқон хонлиги давлат бошқарувинингасосий фарқлари?



## **"ХУЛОСАЛАШ" (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, қўптармокли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



Иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



Машғулотнинг максади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



Ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён килади;



Навбатдаги боскичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар.

Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

### Намуна:

#### Тарих фанидан Давлат таълим стандарти

Собиқ стандарт		Янги стандарт	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

### Хулоса:



## “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

**Намуна:** Тарих ўқитишида “Хулосалаш” методнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Тарих ўқитишида “Хулосалаш” методидан фойдаланишининг кучли томонлари	
W	Тарих ўқитишида “Хулосалаш” методидан фойдаланишининг кучсиз томонлари	
O	Тарих ўқитишида “Хулосалаш” методдан фойдаланишининг имкониятлари (ички)	
T	Тўсиқлар (ташқи)	

**Намуна:** Анъанавий ва замонавий таълим шаклларини “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

S	Оддий дарсда ўқитувчи, тингловчиларга кўп маълумот бера олмайди	Замонавий дарсда камроқ маълумот берилади, бироқ улар тингловчилар онгига сингдириб берилади
W	Ўқитувчи асосан аълочи, қизиқувчи тингловчилар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли тингловчилар қамраб олинади	Замонавий таълимда дарсда кўп сонли тингловчилар қамраб олинади
O	Оддий дарсда факат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида гаплашилади	Замонавий дарсда мухокамажараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялартуғилиши мумкин
T	Ўқитувчи учун асосий тўсик – дастурдан чиқиб кета олмаслик, тингловчи учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшлитиб ўтириш мажбурияти	Кенг мухокама учун вақтнинг чегараланганлиги, тингловчиларни мавзудан четга буришга интилишлари



## "Инсерт" методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга таркатиласди ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий карашларини маҳсус белгилар оркали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки катнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вакт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил килиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



## “Пинборд” методи

Пинборд (инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – ёзув таҳтаси) мунозара усуллари ёки ўқув сухбатини амалий усул билан мослашдан иборат. Муаммони хал килишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гурухлаштириш (классификация)ни амалга оширишга, жамоа тарзда ягона ёки аксинча қарама-карши позицияни шакллантиришга имкон беради.

Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий хужумнинг бошланишини ташкил қиласди (рағбатлантиради). Фикрларни таклиф киласдилар, мухокама қиласдилар, баҳолайдилар ва энг оптималь (самарали)

фикрни танлайдилар. Уларни таянч хulosавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида коғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.

Ўқитувчи билан биргаликда флипчарт (махсус доска ва маҳсус қоғоз ёпишириш имконини берадиган скотч) ёрдамида фикрлар жамланади, классификация килинади, мухокамада эса оптимал ечимлар бўйича аникланади.

Гурух намоёндалари доскага чикадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- 1) якъол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
- 2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
- 3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аникладилар;
- 4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва варакларидаги) гурухларга ажратадилар;

5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиклар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-карши позициялари ишлаб чиқилади.

### Маданият

моддий маданият	маънавий маданият



## “Концептуал жадвал” методи

Концептуал жадвал методи - турли ғояларни, қарашларни ўзаро таққослаш ва уларни турли тоифалар бўйича таққослаган ҳолда баҳо беришга қаратилган органайзер хисобланади. Метод тингловчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда тингловчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилияtlари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда кечади:

Ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу

Тингловчилар мавзу ва методдан фойдаланиш

Тингловчилар кичик гурухларга бириктирилади

Гурухлар ўзларига берилган топширикни бажаради

Гурухлар ечимни гурух жамоаси ҳукмига ҳавола

Гурухларнинг ечимлари гурух жамоасида

Ўрганилаётган моҳиятини жиҳатлар	мавзу ёритувчи	Муҳим белгилар, тавсифлар		
		1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1-жиҳат				
2-жиҳат				
...				

**Намуна:**

Тарих дарсларида интерфаол таълим усулларидан фойдаланишнинг жиҳатлари	Муҳим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
“Ассесмент”			
“Инсерт”			
“Тушунчалар”			
“Брифинг”			
“Баҳс-мунозара”			
“Муаммоли вазият”			



## "Тушунчалар" методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод Тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида кўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳакида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот

Тарихий манба	
Тарихий адабиёт	
Тарихий хужжат	
Тарихий харита	
Тарихий сурат	
Тарихий фонограмма	
Тарихий хат	
Тарихий макон	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳакида кўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

#### “Муаммоли вазият” методи

“Муаммоли вазият” методи - таълим оловчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил килиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга каратилган методdir.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим оловчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар кўйилган муаммонинг ечимини топишга кодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим оловчиларнинг кизикишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда таълим оловчилар мустакил фикр юритиши, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил килишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қўйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



## **“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласди.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гурӯҳларга ажратади.
4. Кичик гурӯҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гурӯҳ тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласдилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини мухокама қиласдилар, уларни таҳлил қиласдилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.
7. Кичик гурӯҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласдилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.
8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гурӯҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.



## **“Т-жадвал” технология**

Технология таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солишиши, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда технология мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

Агар улар ёзилган фикрга қўшилсалар, биринчи устунда “+“ акс ҳолда учинчи устунда “-“ белгисини қўядилар.

**Изоҳ:** Ўқитувчи: Янги мавзуни баён қиласди ва тингловчиларга икки қарама-карши жиҳат ҳақида бошланғич маълумотларни беради;

- топшириқни якка тартибда бажаришларини сўрайди ва 10 дақиқа вақт ажратади;
- вақт тугагач тингловчилардан изоҳларсиз ўз фикр – мулоҳазаларини ўқиб эшиттиришларини айтади;
- барча холосалар тинглангач, умумлаштирилади ва якуний холоса шакллантирилади.

**Тингловчи:** - мавзуни диққат билан тинглайди;

- ўзи учун зарур бўлган маълумотларни дафтарига қайд қилиб боради;

- берилган схема асосида тушунчага нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;
- яқуний холосаси билан ўтирганларни таништиради;
- регламентга риоя қиласи.

**Кутиладиган натижа:** Тингловчилар мавзу юзасидан зарурий билимларни ўзлаштиради, курснинг моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлади

### “Т-жадвал” технологияси

<b>Ўрганилаётган масала (ғоя, омил)</b>	
<b>+ (ҳа, ижобий)афзаллиги (ютуғи)</b>	<b>- (йўқ, салбий)камчилиги</b>
1.	1.
2.	2.
...	...

### “Инновацион технологияларни дарсда фойдаланиш”

<b>Афзалликлари</b>	<b>Камчиликлари</b>
“Қайтар алоқа”нинг таъминланиши	кўп вақт талаб этилиши
мотивациянинг юқори даражада бўлиши	тингловчиларни назорат қилиш имкониятининг пастлиги
ўтилган материалнинг яхши эсда сақлаб қолиниши	объектив баҳолашнинг қийинлиги
мулоқатга киришиш кўникмасининг такомиллашиши	ўқитувчининг ўзидан ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмасига эга бўлишининг талаб этилиши
ўз-ўзини ва бошқаларни баҳолаш кўникмасининг шаклланиши	ижодий шовқин бўлиши
мустақил фикрлаш	қайтар алоқанинг таъминланмаслиги
<b>ХУЛОСА</b>	

### *T-схема қўринишида вазифа*

<b>Ҳа</b>	<b>Фикр-мулоҳазалар</b>	<b>Йўқ</b>
	Ўзбекистонда "Ташсельмаш", "Ўзбексельмаш", "Красний двигатель", "Подъемник" ва бошқа заводлар пахталикини ривожлантириш мақсадларига мослаштирилди.	
	1950 йил Ўзбекистонда 2.220 минг тонна пахта тайёрланди.	
	Суғориш ишларини яхшилаш учун сунъий сув омборлари қурилди.	
	XX асрининг энг йирик экологик - "Орол фожеаси" вужудга келди.	
	Ўзбекистон мамлакати пахта хом-ашё базасига айлантирилди.	
	Ўзбекистон "Оқ-олтин"дан катта манфат кўради.	



## “Блиц-ўйин технологияси”

Сана ва воқеаларни түғри хронологик кетма-кетликада жойлаштиринг.

**Саналар** – 395, VI аср, 527-565, 534, VI асрнинг ўрталари, VII аср, X-XI аср, IX-XI асрлар.

**Тарихий воқеалар** – Рим империяси икки мустақил давлатга бўлинди, Константинополь, Юстиниан I императорлиги даври, Юстиниан I Велисарийни шимолий Африкага жўнатди, Византияning заифлашуви славян қабилалари истилоларига йўл очди, Араб ҳалифалиги ҳужумлари натижасида Сурия ва Миср қўлдан кетди, императорлар амалдорлар, ибодатхоналар ва монастирларга кўплаб ер-мулклар инъом этадилар, феодал муносабатларнинг узил-кесил ўрнатилишига олиб келди.

Йил, сана	Содир бўлган воқелик

### “Венн диаграммаси” стратегияси

Стратегия тингловчи (тингловчи)ларда мавзуга нисбатан тахлилий ёндашув, айrim қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) қўникмаларини хосил қилишга йўналтирилади. У кичик гурухларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Стратегия тингловчи (тингловчи)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро якин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий тахлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.



## “Ҳамкорликда ўқитиш” методи

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – бирор нарсани бирга бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқиш, ўрганишdir!

Ҳамкорликда ўқитишнинг самараадорлиги:

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради. Бу қўникмалар ҳамкорликда ўқиётганларда бир-бири билан рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга қараганда яхшироқ ривожланган. Хаттоқи, ҳамкорликда бажарилган ёзма ишлар чуқур мазмунга эгалиги билан фарқланади.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади. Ҳамкорликда ўқиётган гурух аъзолари бетакрор ғояларни кўпроқ ишлаб чиқади, турли мақсадларга

эришишда ва дарс жараёнида пайдо бўлган ҳар хил ўкув масалаларининг янги ечимларини топишда ижодий қобилиятлар ривожланиб боради.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади. Бугун гурух бажарган топшириқни эртага ҳар тингловчи мустақил бажара олиши мумкин.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади. Ҳамкорлик билимларга кўпроқ қизиқиш учун ҳам шароитлар яратади. Машғулот ўтказиш усули қанчалик такомиллашган бўлса, тингловчиларнинг ўрганилаётган масалага қизиқиши ва фаолли ортиб боради.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфланади. Ҳамкорликда ўқиётганлар топшириқларни бажариш учун рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга нисбатан кўпроқ вақт сарфлайдилар.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий афзалликлари:

- ҳамкорликда ўқиётган тингловчилар бир-бирининг муваффақиятига кўмаклашади;

- ёрдам ва мадад берадилар ва ёрдамни қабул қиласидилар, гап фақат ўқиши тўғрисида эмас, балки инсоний, дўстона муносабат тўғрисида кетаяпти;

- ахборот ва “моддий ресурслар”, яъни топшириқни бажариш учун зарур бўлган барча нарсалар билан алмашади;

- ўртоқлари берган маълумотларни ўзлаштиради ва қўллашга харакат қиласидилар. Оғзаки тушунтиришлар, ахборотни ўйлаб кўриш ва умумлаштириш, ўз билимлари ва кўникмаларини бошқаларга узатиш – буларнинг ҳаммаси билимларни тартибга солиш, уларни яхшироқ англаб ўзлаштириш ва умумий мақсадга эришишга шахсий улушини қўшишга олиб келади;

- тингловчилар бир-бири билан музокара олиб боришга ва далиллар келтиришга ўрганади. Интеллектуал майдондаги зиддиклар қизиқувчанликни ривожлантиради, билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта англаш, ўрганилаётган муаммога чуқурроқ киришишга ундайди ҳамда бошқа кўп фойдали сифат ва кўникмаларни шакллантиради;

- тингловчилар яхшироқ ўқишишга интилишда бир-бирига кўмаклашади. Ўқишишда ўртоқларига ёрдам бераётган тингловчи ўзи ҳам сезиларли даражада яхшироқ ўқийди;

- бир-бирига таъсир этади. Ҳамкорликда ўқиётган гурух аъзолари ўртоқларига таъсир этишининг ҳар қандай имкониятидан фойдаланадилар ва ўз навбатида таъсир учун очиклар;

- аниқ ифодоланган мотивацияга эга. Билимларни ўзлаштиришга интилиш умумий мақсадга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги меҳнат туфайли кучаяди;

- ўзаро ишонч шароитини яратади ва талабларни юқори даражада ушлаб туради. Гурух аъзолари ўз ўртоқларига ишонадилар ва ўзларини ўртоқлари ишончини қозонадиган тарзда тутадилар, бу катта муваффақиятларга эришиш учун шароитлар яратади. Ўзаро ишонч – ҳар бирининг юқори ютуклари учун яхши асос.

Ҳамкорликдаги ўқиши тамойиллари сифатида қуидагиларни күрсатиш мүмкін:

- гурухга битта топшириқ;
- битта рағбат: гурух барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гурух аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гурух (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг хиссасига боғлиқ;
- ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гурухнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулияти;
- ҳамкорликдаги фаолият: гурухий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;
- муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштириш, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиқсан ҳолда ўқишига берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

### **Гурухда ишлаш қоидалари:**

Ҳар ким ўз ҳамкаслари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;

Ҳар ким фаол, биргалиқда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятили ёндашиши зарур;

Ҳар ким ёрдамга муҳтож бўлганда уни сўраши зарур;

Ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур;

Ҳар ким гурух ишини натижаларини баҳолашда иштирок этиши зарур.

- Бошқаларга ёрдам бериб, ўзимиз тушунамиз!
- Биз битта кемадамиз: ёки бирга сузуб чиқамиз, ёки бирга чўкиб кетамиз!

### **Гурухда топшириқни бажариш йўриқномаси:**

1. Гурух лидерини сайланг.
2. Топшириқ билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизнумухокама қилинг.
3. Топшириқни бажаринг.
4. Тақдимотга тайёрланинг.
5. Тақдимот ўтказинг.
6. Гурух ишини баҳоланг.

1-босқич

Гурух иш жойини тайёрлаш – стол ва ўриндиклар шундай жойлаштириладики, бунда таълим берувчи аудиторияда эркин ҳаракатлана олсин, ҳар бир гурух аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва эшитишлари керак, зарур ўкув қўлланмалар барчага етарли бўлиши керак.

2-Асосий босқич

**1.** Таълим олувчиларни гурухларга тақсимлаш – танланган кичик гурухларга бирлаштириш йўли асосида таълим олувчиларни гурухларга бўлади.

**2.** Ўқув топшириқларини тарқатиш – муаммоли вазиятни таклиф қиласди, таълим олувчилар билан биргаликда уни эчиш йўли ва тартибини мухокама қиласди, гурухларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қиласди. Ҳар бири ва бутун гурухнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.

**3.** Ўқув топшириқларни бажариш бўйича йўриқномани тушунтириш. Гурухлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарқатади. Топшириқни баажаришда қандай қўшимча материалларидан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Гурухларда ишлаш қоидаларини эслатади.

Доскада гурухли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзади ёки тарқатади.

**4.** Таълим олувчилар билан қайтар алокани амалга ошириш Таълим олувчилар билан гурухли ишни бажариш бўйича йўриқномани мухокама қиласди; хаммалари уни тушунганларига ишонч хосил қиласди.

**5.** Гурухларда ўқув топшириқни бажариш жараёнини ташкил этиш – ўқув топшириқни бажариш бўйича ишни бошланиши ҳақида эълон қиласди; Гурух ишини назорат қиласди. Гурух ишини режалаштириш, вазифаларни гурух аъзолари ўртасида тақсимлаш, вазифани бажариш бўйича якка тартибда ишлаш, якка тартибда топилган ечимларни мухокама қилиш, гурух учун умумий ечимни ифодалаш, гурух иши натижаларини тақдимотини тайёрлаш, аниқ топшириқни баажариш учун зарур бўлган алоҳида бўлиб ишлашга, кўникумаларни шакллантиришга эътиборини қаратади. Иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим аниқ, ва самимий танбех қиласди.

**6.** Гурух иши тақдимотини ташкил қилиш – бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гурух вакилларини тайинлади. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини эслатади.

### 3-Назорат –якуний босқичи

Якун ясаш – натижалар текшируванині ўтказади: гурухнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади; Гурух ишини таҳлил қиласди, топшириқ бажарилишининг якунини қиласди, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради.

### **Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги**

**1.** Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради.

**2.** Ижодий қобилиятлар ривожланади.

**3.** Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади.

**4.** Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади.

**5.** Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфини талаб этади.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1- Мавзу: Махсус педагогика фанларини ўқитишнинг инновацион мухитини лойихалаштириш фанининг назарий асослари**

##### **Режа:**

1. Замонавий шароитда педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари.
2. Дефектологлар тайёрлашнинг хуқуқий-меъёрий ва ташкилий асослари.
3. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш.
4. Махсус педагогика фанларини ўқитишнинг инновацион мухитини лойихалаштириш фанининг мақсад ва вазифалари.

**Асосий атама ва тушунчалар:** «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Бола хуқуқлари кафолати тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, бакалавриат, магистратура, давлат таълим стандарти, ўқув режа, ўқув дастури, махсус (дефектологик) таълим, гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар, математик ва табиий-илмий фанлар, умумкасбий ва мутахассислик фанлари, ихтисослик фанлари, таълимнинг қўшимча турлари, рейтинг тизими, касбий фаолият турлари, мутахассислик фанларини ўқитиш, таълим мақсади ва вазифалари, ўқитиш тамойиллари. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Давлат таълим стандарти, ўқув дастури, компетенция, ихтисослик фанлари, умумкасбий фанлар, стандартлар, олий таълим муассасаси маъмурияти, мажбурий компонентлар, таълимнинг қўшимча турлари, гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар.

## **1. Замонавий шароитда педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари**

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини кўлга киритиши, ўзининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўлини белгилаши кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини қайта кўриб чиқиши. Бу борада қатор чоралар кўриш заруратини келтириб чиқарди. Шу муносабат билан, энг аввало, таъкидлаш лозимки, иккита жуда муҳим хужжат қабул килинди: таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларини, республикада таълим тизими ва турларини белгилаб берган «Таълим тўғрисида»ги Конун ва таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга дойр «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бугунги кунда Дастўрнинг учинчи босқичи (2005 ва кейинги йиллар) амалга оширилмоқдаки, у қуйидагиларни кўзда тутади:

- таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базасини янада мустаҳкамлаш, ўкув-тарбия жараёнини энг янги ўкув-методик комплекслар, илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан тўлиқ таъминлаш;
- миллий (элита) таълим муассасаларининг тикланиши ва ривожланиши, уларнинг мустақиллиги ва ўз-ўзини бошқаришини таъминлаш;
- таълим жараёнини ахборотлаштиришни таъминлаш, Узлуксиз таълим тизимини дунё ахборот тармоқларига чиқиш имкони бўлган компьютер ахборот тизимлари билан тўлиқ қамраб олиш.

Таълимдаги инновацион жараёнлар қоидага мувофиқ уч асосий – ижтимоий-иктисодий, психологик-педагогик ва ташкилий-бошқарувга доир жиҳат билан боғлиқликда кўриб чиқилади. Мазкур жиҳатларнинг мазмунидан инновацион жараёнлар юзага келадиган умумий шарт-шароитлар ҳосил бўлади. Мавжуд шарт-шароитлар инновацион жараённинг амалга ошишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин. Инновацион жараёнлар ҳам стихияли, шунингдек, онгли бошқарилиши мумкин. Янгилик киритиш – бу энг аввало, табиий ва сунъий ўзгаришлар жараёнини бошқариш функцияси. Шунинг учун таълимдаги инновацион жараён – бу таълимдаги ўзгаришларни бошқариш жараёни демакдир<sup>1</sup>.

Инновацион жараён инновацион фаолиятдан ташқари ўз ичига кўплаб уни амалга ошириш шарт-шароитларини, шу жумладан, фаолият субъектларини қамраб олади. Инновацион жараён субъекти деганда, таълим муассасаларига янгиликлар киритиш жараёнига иштирок этувчи шахслар (ректор, проректор, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар, ота-оналар, ҳомийлар, методистлар, консультантлар, эксперталар) ва таълимни бошқариш органлари тушунилади. Улар ҳаракатининг бирлиги маълум бир натижаларга эришишга олиб келади. Инновацион жараён

<sup>1</sup> Хуторский А.В. Педагогическая инноватика. – М.: Академия, 2008. – с.40.

субъекти сифатида ўқитувчи янгиликни ўзлаштирувчи ва амалиётга татбиқ этишда катта рол ўйнайди. Мазкур жиҳат инновацион мухит шароитида педагог фаолиятини бошқаришда қатор ўзига хос жиҳатларга эътибор қаратишни талаб этади. *Одатда, олий таълим муассасаларида раҳбарходимлар инновацияларни жорий этиши жараённида профессор-ўқитувчиларнинг хулқ-автори турли хил кўринишларда (айримлари янгиликни татбиқ этишига қаршилик кўрсатиши, баъзилари бутунлай инкор этиши) да намоён бўлиши ҳақида кўп гапиришиади.* Аслида мазкур ҳолат табиий жараён бўлиб, инновацияларни жорий этишда педагог фаолиятини бошқаришда қўйидаги босқичларни ҳисобга олишлари ва ана шу асосда уларга таъсир кўрсатишлари лозим: янгиликни инкор этиши, янгиликка қаршилик кўрсатиши, янгиликни тадқиқ этишига киришиш, янгиликни татбиқ этиши доирасини кенгайтириш, янгиликни қўллашни анъанага айлантириш.

Биринчи – инкор этиш босқичи жамоа аъзоларининг янги ғояни қабул қилишга тайёр эмасликлари, аввалги йўналиш бўйича иш тутишга истак билидиришлари кўринишида намоён бўлади. Мазкур босқичда раҳбар янги ғоя ҳақида кўпроқ ахборот бериши, унинг имкониятлари ва натижавийлигини кўрсатиб бера олиши мухим саналади.

Иккинчи – янгиликка қаршилик кўрсатиш босқичида раҳбар жамоа аъзоларининг очик қаршилигига учрайди. Ана шу сабабли мазкур босқичда раҳбар у томонидан илгари сурилаётган ғоянинг қўллаб-қувватловчи аъзоларни тўплаши ва уларга суюниши зарур.

Учинчи – янгиликни тадқиқ этиш босқичда педагоглар маълум танаффусдан сўнг янги ғояларни идрок этадилар, янги фаолият усулларини кўллай бошлайдилар. Мазкур босқичда раҳбар томонидан “аклий хужум” уюштирилиши жамоанинг инновацион фаолиятини ташкил этишда яхши самара беради.

Тўртинчи, яъни янгиликни татбиқ этиш доирасини кенгайтириш – ижодий гурухларни кенг тарзда ривожлантириш босқичидир. Инновацион фаолиятни мувофиқлаштиришни тезда яхшилашнинг мақсади аниқланади, янги мазмуни изланади, янги ритуаллар яратилади.

Бешинчи – янгиликни қўллашни анъанага айлантириш босқичида янгилик таълим муассасаси таълим амалиётига мустаҳкам кириб боради ва жорий этилади<sup>2</sup>.

*Сўз бошида таъкидлаб ўтганимиздек, республикамиизда педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишига кенг эътибор*

<sup>2</sup> Зуфаров Ш.М. Педагогика коллежларида инновацион жараёнларни тизимили бошқариш: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2010. – Б. 70-71.

*қаратилган. Бироқ фақат маълум вақт оралғыдағи қисқа курслар доирасида доимий равишида ўзгаришлар, янгиланишлар билан бойиб борадиган педагогик фаолиятнинг самарадорлиги тұлық таъминланмайды. Педагогик фаолиятта юзага келадиган янгиликларни самарали ўзлаштиришининг ва амалиётга жорий этишининг муҳим воситаларидан бири педагог-кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришdir.*

Педагогика ва педагогик менежментда инновацион салоҳият тушунчаси икки хил тарзда талқин этилади: кенг маънода – таълим муассасасининг инновацион салоҳияти, тор маънода – ўқитувчининг инновацион салоҳияти. Таълим муассасасининг инновацийн салоҳияти деганда, унинг ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлиги, шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш учун маданий-таълимий муҳитнинг ва шарт-шароитларнинг хилма-хиллиги ҳамда коммуникатив муносабатларнинг юкори даражаси тушуниллади. Алоҳида педагог учун эса, бу – унинг шахсидаги ижтимоий-маданий ва ижодий ўзига хосликлар йиғиндиси, педагогик фаолиятни такомиллаштиришга тайёрлиги ҳамда бунинг учун зарурый ички восита ва методларнинг мавжудлигидир<sup>3</sup>.

Олий таълим муассасаларидан инновацион салоҳият – инновацион жараённинг муҳим шарти сифатида қаралиб, уч таркибий қисмни ўз ичига қамраб олади: олий ҳарбий билим юрти педагогик жамоасининг инновацион салоҳияти, ижодий гурұхларнинг инновацион салоҳияти ҳамда алоҳида (конкрет) ҳарбий педагогнинг инновацион салоҳияти.

Олий таълим муассасаларидан инновацион салоҳиятни ривожлантириш динамика тавсифға эга бўлиб, ички(субъектив) ва ташқи (объектив) омиллар таъсирида юзага чиқади. Ана шу сабабли педагог-кадрларнинг малакасини ошириш воситаси сифатида инновацион салоҳиятни ривожлантиришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг аҳамиятини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Педагогик инноватика ва инновацион менежментга доир тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлилига асосланиб айтиш мумкинки, бугунги кунда педагог-кадрларининг инновацион салоҳиятни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи қуйидаги омиллар мавжуд:

- 1) новация (янгиликлар)нинг фойдаланувчиларга тушунарли бўлмаслиги;
- 2) агар таклиф қилинган янгиликни жорий қилиниши қўп кучни талаб қиласа-ю, ўқитувчиларнинг эса имкониятлари чекланган бўлса, бу ҳолат янгиликни ўзлаштиришни тўхтатиш омили бўлиши мумкин;

---

<sup>3</sup> Волчкова А.П. Управление инновационным процессом в современной школе: организационно-педагогический аспект: дисс. ... канд. пед. наук. Москва 1999. - С.101.

3) субъект томонидан янгиликни ўзлаштириш учун етарли даражада мотивациянинг мавжуд эмаслиги;

4) янгиликларни қабул қилишга нисбатан қаршилик ва унинг очик намоён бўлмаслиги кабилар.

Инновацион салоҳиятни ташкиллаштириш жараёнининг тузилиши мураккаб тавсифга эга бўлиб, салоҳиятнинг ривожланиш даражаси эса инновацион имкониятларни, педагог кадрларларнинг ўз меҳнати самарадорлигидан қониқиши ҳосил қилишларини тақозо этади. Мазкур таърифни асос қилиб олган холда, инновацион салоҳиятнинг қуидаги таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Технологик таркибий қисм педагогларнинг касбий кўникма ва малакаларга эгалиги даражаси, ишлаб чиқариш технологиялари, ташкилотдаги янгиланишларни бошқариш ва амалга ошириш билан тавсифланади.

Педагог-кадрларнинг инновацион фаолиятга технологик тайёрлиги қуидагиларда намоён бўлади:

1) ўз фаолият натижаларини танқидий баҳолай олиш қобилияти;

2) ўз касбий компетентлик даражасини ошириш;

3) янги ахборотни ижобий идрок этиш қобилиятига эгалик;

4) ташкилий маданият ва психологик мухитнинг инновацион фаолиятга йўналганлиги.

2. Когнитив таркибий қисм ўзида жамоа аъзоларининг келгуси янгиланишлардан хабардорлиги, шу билан бирга инновация субъектларининг профессионал билим даражасини акс эттиради.

3. Креатив таркибий қисм профессионал фаолиятни амалга оширишда педагогларда ижодий ёндашувнинг мавжудлиги, уларнинг муаммоли вазиятларда ностандарт фикрлай олиш кўникмаларига эгаликларини аниқлаб беради.

4. Психологик мухитда намоён бўлувчи муассасанинг ташкилий маданияти, қадриятга йўналганлиги, ижтимоий установкалар, жамоа аъзоларининг хатти-харакатлари инновацион салоҳиятнинг регулятив таркибий қисми мазмун-моҳиятини очиб беради.

5. Жамоа аъзоларининг инновацияни ўзлаштириш жараёни, уларнинг фаолиятига таъсир этиши, уни кучайтириши ё сусайтириши хиссий-эмоционал таркибий қисм билан белгиланади.

6. Мотивацион таркибий қисм жамоа аъзоларининг янгиликка муносабатини аниқлаш: инновацион фаолиятга даъват этиш, унинг чегара ва шаклларини белгилаб бериш, таълим муассасаси мақсадларига эришишга йўналтирилган, мўлжалланган мотивлардан таркиб топади.

Мотивацион-ижодий йўналганлик педагог-кадрларда қуидаги эҳтиёж ва қобилиятларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади:

- 1) педагогик вазифаларни ҳал этишга доир стандарт бўлмаган ёндашувларни излаб топиш;
- 2) изланишли-тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш;
- 3) янгиликларни амалиётда қўллай олиш учун мавжуд билимлардан фойдалана олиш ва уларни ривожлантириш;
- 4) педагогик рефлексияни амалга ошириш;
- 5) ижтимоий-иктисодий ва педагогик шарт-шароитларга доир ўзгаришларга тез мослаша олиш.

Педагогика фанида жамоанинг инновацион салоҳиятини баҳолашга доир ёндашувлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар орасида диагностик ёндашув кенг тарқалган. Диагностик ёндашувни амалга ошириш аниқ белгиланган мезонлар асосида жамоанинг ривожланганлик даражасини ташхис этиш ва таҳлил этиш ҳамда инновацион фаолиятга таъсир этувчи омилларни баҳолашни талаб этади.

Педагог-кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида қуидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиб ўтиш мумкин:

- 1) ҳарбий педагог-кадрларнинг ижод қилиши учун эркинликнинг тақдим этилганлиги;
- 2) новатор педагогларни ресурслар билан таъминланишининг раҳбарият томонидан қўллаб-куватланиши;
- 3) жамоада мунозара ва фикрлар алмашинувининг фаол йўлга қўйилганлиги;
- 4) касбий компетентликни ривожлантиришга иштиёқнинг рағбатлантирилганлиги;
- 5) педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши учун имкониятларнинг тақдим этилиши;
- 6) юкори даражадаги ахборий таъминотнинг йўлга қўйилганлиги;
- 7) ўзгаришлар аргументациясининг асосланганлиги;
- 8) жамоада ишонч ва ўзаро бир-бирига ёрдам бериш жараёнининг қўллаб-куватланиши.

*Инновацион муҳит шароитида юзага келаётган педагогиканинг долзарб муаммоларидан бири бу ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчилклар бўлиб, мазкур муаммонинг ҳал қилинмаслиги қуидаги салбий*

*оқибатларни келтириб чиқаради: 1) педагогнинг ўз ишидан қониқмаслиги; 2) педагогик меҳнат самарадорлигининг пасайши; 3) психик зўриқишининг кучайиб бориши; 4) касбий деформацияларнинг тўпланиб бориши ва бошқалар.*

Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммолар кўп аспектли тавсифга эга бўлиб, уларни асосий жиҳатларига қуидагиларни киритиш мумкин:

1. Касбий. Ушбу жиҳат билан боғлиқ қийинчиликлар самарадорлик, ишонч, фаолият сифати орасидаги сабаб-оқибат алоқадорликлари ва фаолият субъектининг индивидуал ўзига хосликларини ўрганиш билан тавсифланади.

2. Физиологик. Мазкур жиҳат ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчиликларни унинг олий нерв фаолияти тизими ва сенсомотор ҳаракатлари орасидаги боғлиқликда кўриб чиқади.

3. Ижтимоий. Ушбу жиҳат билан боғлиқ қийинчиликлар ўқитувчининг ижтимоий мавқеи, обрў-эътибори, уни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишина тақозо этади.

4. Тиббий. Мазкур аспект фаолиятдаги қийинчиликларни ўқитувчининг руҳий, жисмоний соғломлиги, турли касалликларни орттириши, уларни саломатликка таъсирини аниқлаб беради.

Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ўрганишнинг касбий жиҳати мураккаб кўринишга эга бўлиб, кенг қамровли таҳлилни талафути. Касбий фаолият билан боғлиқликда юзага келаётган қийинчиликлар қуидаги кўринишларда намоён бўлиши мумкин: 1) фаолиятнинг объектив шарт-шароитлари. Яъни шахснинг ўз фаоллигини намоён қилишга тўсқинлик қилиниши, бошқача айтганда барерларнинг мавжудлиги; 2) шахснинг ўзига хос психологик хусусиятлари.

Ўқитувчининг касбий фаолиятида юзага келувчи қийинчиликларнинг объектив шарт-шароитларига қуидагиларни киритиш мумкин:

1) ўқитувчи меҳнатини ташкил этишда методик таъминотнинг етарли бўлмаслиги;

2) ўқитувчи фаолиятини баҳолашдаги формализм (юзакилик);

3) ўқитувчининг иккинчи даражали вазифаларга жалб этилиши.

Педагог шахсининг специфик ўзига хосликлари билан боғлиқликда юзага келадиган қийинчиликлар:

1) педагогик фаолиятни амалга оширишда ички куч ва имкониятларнинг етарли эмаслиги;

2) соҳадаги ислоҳотлар билан боғлиқликда фаолиятни ўзгартириш имконини бермайдиган ўз-ўзини йўналтириш механизмининг бузилиши;

3) салбий психологик ҳолатлар (ишончсизлик, асабийлик, қўрқув, ўз фаолиятидан қоникмаслик ва бошқалар).

Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш қуидаги стратегияларга асосланишни талаб этади: 1) касбий ривожланиш (конструктив стратегия); 2) психологик муҳофаза (ҳимоя стратегияси); 3) касбий деформация (деструктив стратегия).

Олий таълимда фаолият юритадиган профессор-ўқитувчиларни касбий етуклик даражасига кўра шартли равишда тўрт гурухга ажратиш мумкин: адаптация босқичидаги, функционал барқарорликка эга, касбий маҳоратга эга ва новатор ўқитувчилар.

Адаптация босқичидаги ўқитувчилар учун хос муаммоли вазиятлар касбий муҳитга кириш, педагогик жамоадаги меёр, қадрият ва анъаналарни қабул қилиш кабилар билан боғлиқдир. Мазкур мураккабликлар объектив тавсифга эга бўлиб, мавҳум алоқадорлик эса, ёш ўқитувчи таълим жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ҳамда педагогик фаолиятга доир меёр ва қадриятларни реал амалиётга қўллай ёки қўллай олмаслигига намоён бўлади.

Функционал барқарорликка эга ўқитувчиларда мураккаб вазиятлар педагогик стереотипларни мураккаблашуви билан боғлиқликда юзага келади. Бу эса ўқитувчидан ташаббускор қайта касбий ўз-ўзини намоён этишни талаб этади.

Маҳоратли педагоглар учун қийинчиликлар инновацион тўсиқларни енгиб ўтиш билан боғлиқ. Педагогик фаолиятдаги тўскинилликлар кўпинча педагог фаолиятини чегаралаб кўйиш кўринишида намоён бўлади.

Мазкур типология билан боғлиқликда юзага келадиган қийинчиликларни ҳал этишда бир ёки бир неча стратегияни қўллаш мақсадга мувофиқ. Масалан, ёш ўқитувчилар фаолиятида юзага келадиган қийинчиликлар энг аввало, уларнинг касбий ривожланиши босқичма-босқич такомиллаштириб борилиши, касбий фаолият билан боғлиқ муаммоли вазиятларни ҳал этишда уларни психологик қўллаб-қувватлаш, ўз-ўзига ишонч, масъулиятни карор топтириш, шунингдек, ўзгарувчан вазиятларда мувафақиятли ҳаракатлана олиш стратегияларини талаб этади.

Дефектологик таълим, олий педагогик таълим соҳаси, психик-жисмоний ривожланишида нуксони бўлган болалар билан ўқув-тарбиявий ишларни олиб бориш учун кадрлар тайёрлаш тизими асосан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида амалга оширилади. Таълим муассасаси бака-лавриатида дефектолог, магистратурада эса - олигофренопедагог ва логопед ихтисосликлари берилади. Республикаизда ягона бўлган дефектология факультетида, «Коррекцион педагогика» ва «Махсус таълим методикаси» кафедраларида маҳсус таълим соҳасида республиканизинг бутун илмий салоҳияти жамланган дейиш мумкин. Бу ерда 2 нафар фан доктори, 14 нафар фан номзоди фаолият юритади. Факультет мамлакатимиздаги 86 та маҳсус мактаб ва мактаб-интернат, шунингдек, 500 дан ортиқ мактабгача таълим муассасалари учун кадрлар тайёрлайди. Айтиш жоизки, ривожланишида нуксони бўлган болаларни ўқитиши тизимининг сифати, бу тоифа болаларнинг кейинги ижтимоийлашуви мазкур факультет битирувчилари: бакалавр ва магистрларнинг компетенциясига, уларнинг касб маҳоратига бевосита боғлиkdir.

Педагогика фанлари номзоди Н.Ш.Бекмуратов томонидан ташкил қилинган сўров натижалари шуни курсатдики, - бугунги кунда фаолият юритаётган факультетнинг 178 нафар битирувчи дефектолог касбини жуда қизикарли ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган касб, деб этироф этган. Сўровда қатнашган дефектолог талабаларнинг 84% и бу касб уларга маъқул келгани, танловда адашмаганликларини таъкидлаган.

Таълимнинг мазкур йўналиши бўйича тайёргарлик даражасини талабаларнинг 60%и «яхши», 10 %и «аъло» ва 30% и «қоникарли» баҳолаган.

Шунга қарамай, иш берувчи (маҳсус таълим муассасалари раҳбарлари)ларнинг 35% и битирувчилар ОТМда олган билим, малака ва кўнималарини такомиллаштириш бўйича қўшимча мустақил ишлаши лозим; 44% и эса олинган билимлар ҳажмини етарли эмас, деб билади, 51 % и маҳсус таълим методикаси ва коррекцион-ривожлантирувчи ишлар бўйича олинган билимларни амалда қуллаш компетенцияси етишмаслигини тилга олади.

Аниқ назарий ва амалий муаммолар ечимида қаратилган гуруҳ ёки якка тартибдаги лойихаларнинг талабалар томонидан ишлаб чиқилиши ва имплементация методикаси амалиётга татбик қилинмаган. Ҳолбуки, таълимга бу каби ёндашувда талаба (ёки талабалар гуруҳи) муаммони аниқлаш ва ҳал қилиш юлларини топиш, кейин етакчи мутахассислар олдида ўз «лойихасини ҳимоя қилиш» бойича тақдимот ўтказиш топширигини олади. Бу каби лойихалар кейинроқ битирув-малакавий иши ёки магистрлик диссертацияси сифатида расмийлаштирилиши мумкин. Таълим жараёнининг умумий тизимида талабаларнинг мустақил билиш фаолияти шу кадар аҳамиятлики, усиз мутахассиснинг касбий компетентлигини амалда шакллантириб бўлмайди.

Талабага ўқитувчини, ўзи танлаган ихтисослик йўналиши бойича етакчи экспертни, жумладан, бошқа ОТМ ёки ИТИ ходимини мустақил танлаш имкониятини тавдим этиш амалиёти ҳам йўқ. Ҳолбуки, хорижда мазкур фаолият бўйича шуғул-ланадиган маҳсус маслаҳат марказлари мавжуд. Республикада олий таълим муассасалариро ҳамкорликни кенгайтириш, мутахассислар маълумотлар базаларини шакллантириш ўринли бўларди. Бу эса талабаларнинг ўзларини қизиктирган йўналиш ва мавзулар бўйича бошқа ОТМ ўқитувчилари маърузаларида бўлишларига имкон яратади. Ўқув фанларини ўзаро бойитиш йўлидан ривожлантириш шароитида бу янада катта аҳамият касб этади. Замонавий университет битирувчиси турдош мутахассисликлар бўйича ишларни бажариш, янги технологияларга эркин мослашиш, заруратга кўра, малакасини ошириш, ихтисослигини ўзгартиришга тайёр бўлиши лозим.

Мутахассисга қойиладиган талаблар мажмуида ахборот оқимида эркин йўналиш танлай олиш ва мустақил таълим ҳамда билим олиш кўникмаларининг аҳамияти тобора ортиб бормокда. Талабаларни ахборот билан ишлаш: ишончли манбаларни излаш, қайта ишлаш ва тахлил қилиш, шунингдек, олинган натижаларни тақдим қилиш методларига ўргатишга оид ихтисослаштирилган курсларни жорий этиш зарур. Булар хорижий етакчи таълим муассасаларининг кўпчилигига фаол қўлланиб келади. Ахбо-ротнинг турли манбалари ва воситалари, жумладан, компьютер технологиялари билан эркин ва тез ишлай олиш малакаси замонавий ёш мутахассислар учун жуда муҳим. Шу сабабли ракобатбардош мутахассисларни тайёрлаш уларни ўзгарувчан дунё шароитларига мослашишига қодир бўлган янги технологиялардан фойдаланиш воситалари, усувлари ва методлари билан куроллантиришдан иборатdir.

Мутахассисга қойиладиган талаблар мажмуида ахборот оқимида эркин йўналиш танлай олиш ва мустақил таълим ҳамда билим олиш кўникмаларининг аҳамияти тобора ортиб бормокда. Талабаларни ахборот билан ишлаш: ишончли манбаларни излаш, қайта ишлаш ва тахлил қилиш, шунингдек, олинган натижаларни тақдим қилиш методларига ўргатишга оид ихтисослаштирилган курсларни жорий этиш зарур. Булар хорижий етакчи таълим муассасаларининг кўпчилигига фаол қўлланиб келади. Ахбо-ротнинг турли манбалари ва воситалари, жумладан, компьютер технологиялари билан эркин ва тез ишлай олиш малакаси замонавий ёш мутахассислар учун жуда муҳим. Шу сабабли ракобатбардош мутахассисларни тайёрлаш уларни ўзгарувчан дунё шароитларига мослашишига қодир бўлган янги технологиялардан фойдаланиш воситалари, усувлари ва методлари билан куроллантиришдан иборатdir.

«Тенг-тенгига» ўқитиш методлари хали кенг қўлланилаётгани юқ. Бунда юқори курс талабалари ёки магистрлар етакчи (устоз) ролини бажаради.

Талабалар ўртасида волонтерлик фаолияти етарлича кенг тарқалмаган. Мазкур фаолият тўғри ташкил килинганида талабалар ўзларининг алоҳида эҳтиёжманд болалар билан ишлашга оид амалий кўникмаларини жиддий

тарзда ошириш, шунингдек, ўзининг янги назарий билимларни эгаллашга мотивациясини кучайтириш, булғуси касбидан яхшироқ йўналганлик касб этиш ва ОТМ таълим жараёнида фаолроқ иштирок этиш имконига эга бўлади.

Юқорида еанаб ўтилганлар ОТМ таълимини такомиллаш-тиришнинг айрим йўналишларигина, холос. Ўқитувчи-дефектологлар касбий тайёргарлик соҳаси янги гоя, концепцияларга муҳтожки, улардан фойдаланиш билан таълим болаликдан ногиронларни юқори малакали мутахассислар ёрдамида ўқитишнинг халқаро даражасига кўтарилиши мумкин бўлади.

## **2. Дефектологлар тайёрлашнинг хуқуқий-меъёрий ва ташкилий асослари**

Мамлакатимизда «Дефектология» таълим йўналиши бойича олий таълим модели, унинг мақоми ва тўзилиши кўп жиҳатдан олий таълим анъаналари, ўрганиладиган фанлар мазмуни эса –дефектологиянинг фан ва амалий соҳа сифатида эришган ютуқлари билан белгиланади. Мазкур моделга мувофиқ таълимнинг биринчи босқичи бакалавр даражасини беришни кўзда тутади. Бакалавр даражаси умумий касбий маълумотолишни таъминлайди. Кўп босқичли тизимнинг иккинчи босқичида – магистр даражаси берилади. Бу даражани олиш учун бакалавриат босқичини тамомлагандан кейин иккийиллик таълим курсини ўташ лозим. Магистрлик дастурлари ўрганиладиган фан соҳаларининг бири бойича ихтисослаштирилган таълим олишдан иборат.

Ўзбекистан Республикасининг «Таълим тўғрисида» Конунига мувофиқ таълим сифати Давлат таълим стандартлари (ДТС) билан таъминланади. Уларда таълим жараёнининг тамойиллари, ўкув дастурининг тозилиши ва мазмуни, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, мажбурий компонентлар (Ўкув фанлари рўйхати). Таълим натижалари ва компетенциялар тавсифи хақида батафсил ахборот жамланади. ДТС шундай хуқуқий хужжат саналадики, унинг асосида ОТМ фаолияти белгиланади. Ундан ОТМ маъмурияти каби давлат назорат органлари томонидан ҳам бошқарув хужжати сифатида фойдаланилади.

ДТС асосида ўкув режалари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Гарчи мутахассислик бўйича таълим стандарти бўллажак мутахассис ўзлаштириши лозим бўлган фанлар рўйхатини, хар бир фанга ажратиладиган ўкув соатлари ҳажмини ўз ичига олса-да, бу руйхатни Ўкув режа деб ҳисоблаб бўлмайди. Зоро, унда ўкув топшириқларининг курс ва семестрлар бойича тақсимланиши кўзда тутилмайди. Бу мақсадга факат ўкув режада эришилади, ўкув режа ҳам давлат ҳужжати саналади.

Ўкув режа, аввало, мутахассислик номи белгиланади, эгалланадиган малака мазмуни ва ўқиши муддатида курсатилади. Кейин у ёки бу йўналиш бойича мутахассис тайёрлаш учун зарурӣ фанлар ройхати келтирилади.

Ўкув фанлари бешта асосий гурӯҳга бўлинади. Булар:  
гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар;

- математик ва табиий-илмий фанлар;
- умумкасбий ва мутахассислик фанлар;
- Ихтинослик фанлар;
- Таълимнинг қўшимча турлари;

Режада, шунингдек, у ёки бу фаннинг қайси курс ва семестрда, уни ўрганиш учун ажратиладиган соатлар микдори, хисоботтури (синов, имтиҳон, рейтинг) курсатилади. Мажбурий фанлар билан бир қаторда ОТМ кафедралари талабаларга танлов фанларини, ОТМ томонидан белгиланган ихтинослик фанларини ҳам таклиф қиласди. Бундан ташқари, мутахассислик ўкув режасида амалиёт турларини ўташ муддатлари, курс ва БМИларни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, давлат аттестацияларини ўтказиш муддатлари курсатилади. Бу ишларнинг ҳажми маълум муддатларга жойлаштирилиши лозим.

Бакалавриатнинг дефектология таълим йўналиши ўкув режасида бешта фан блоки ажратилади. Булар:

1. Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар (режага мувофиқ 1704 ўкув соати ҳажмида). Гуманитар фанлар сирасига Ўзбекистон тарихи, хуқуқшунослик ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фалсафа (этика, эстетика, мантиқ), маънавият асослари ва диншунослик, маданиятшунослик, иктисодий назария, социология, педагогика ва психология, миллий ғоя, сиёсатшунослик, ўзбек ва чет тили, жисмоний маданият ва спорт каби фанлар киритилади.

2. Математик ва табиий-илмий фанлар (858 соат). Математик-коммуникатив курс ўз ичига қуйидаги фанларни олади: олий математика асослари, информатика ва ахборот технологиялари. Табиий фанлар сифатида талабалар ёш физиологияси ва гигиена, экология ва уни муҳофаза қилиш, анатомия (одам генетикаси), табиий фанлар замонавий концепцияси кабиларни урганади.

3. Шундай қилиб, Ўзбекистонда олий дефектологик таълим талабаларнинг кенг умуминсоний ва умуммаданий тайёргарлиги билан ажralиб туради. Кўрсатиб ўтилган блокларда умумтаълим фанларининг ҳиссаси жами Ўкув соатларининг 27,6% ини ташкил қиласди. Бу халқаро амалиётда қабул қилинган стандартларга умуман мос келади. Бунда аудитория соатларининг 59,1% и амалий машғулотларга ажратилади, талабаларнинг мустақил ишлари аудитория соатларининг 80,3% ини ташкил қиласди.

4. Умумкасбий фанлар: психологик-педагогик фанлар (умумий педагогика, умумий психология, маҳсус педагогика, маҳсус психология). Умумий назарий курслар: дефектологиянинг клиник асослари, она тили, болалар адабиёти ва фольклор). Ўқитиш методикалари курси: ривожланишида нуқсони бўлган болаларни

ташхислаш, математика ўқитиши махсус методикаси, ногирон болалар диагностикаси, она тили ўқитиши махсус методикаси, коррекцион ишлар методикаси, тарбиявий ишлар махсус методикаси, тасвирий санъат ўқитиши махсус методикаси, меҳнат ўқитиши махсус методикаси, табиатшунослик ўқитиши махсус методикаси.

Бу блокдаги соатлар 3672 ёки умумий соатлар микдорининг 39,5% ини ташкил қилади. Мустақил таълим аудитория ишининг 45,3% ига тенгдир.

5. Ихтисослик фанлари: олигофренопедагогика, логопедия ва сурдопедагогика. Мазкур фанларни ўқитишига 660 соат ёки умумий ўқув юкламанинг 7% и ажратилади. Аудитория ва мустақил ишларга тенг - 330 соатдан ажратилади.

6. Кўшимча фанлар: тиббий тайёргарлик, чет тили, соглом турмуш тарзи асослари. Бу фанларни ўқитишига, жами 450 соат, яъни ўқув юкламасининг 4,8% фоизи ажратилади. 810 соат педагогик амалиётга, 216 соат битирув-малакавий ишларга ва 918 соат давлат аттестациясига ажратилади.

Мутахассислик бўйича ихтисослик фанлари жами бўлиб 4332 соат ажратилади. Бу ўқув юкламанинг 46,6% ини ташкил қилади.

Ўқув режа асосида ўқув дастурлари ишлаб чиқилади. Турли гурухларда ёки турли мутахассислик йўналишларида ўқитиладиган айни бир фанга ажратилган соатлар, ихтисослик йўналишининг ўзига хосликлари (лого, сурдо) ва ш.к. нуқтаи назаридан деталлаштирилиши керак. Айнан бир фан бойича айнан битта ўқитувчи бир неча ишчи дастурга эга бўлиши мумкин. Улар ўқитувчига материални таълимнинг муайян шароитларидан келиб чиқсан холда тақсимлашда қўл келади.

Маъруза, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш тақвим режалари уқитувчи томонидан ишчи дастур асосида ишлаб чиқилади ва кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Барча типдаги ОТМ да таълимни тамомлаш учун битирувчилар иш берувчилар иштироқида якуний имтиҳон (аттестация) топшириши шарт. Бунда иш берувчилар талабалар тайёрлашнинг мувофиқлиги ва сифатини баҳолаш имконига эга бўлади. Бакалавриат талабалар битирув-малакавий ишини, магистратурда эса магистрлик диссертациясини тайёрлаши ва химоя қилиши лозим.

Мамлакатимизда «Дефектология» таълим йўналиши бўйича олий таълим модели, унинг мақоми ва структураси кўп жихатдан олий таълим анъаналари билан, ўрганиладиган фанлар мазмуни эса – дефектологиянинг фан ва амалий соҳа сифатида эришган ютуқлари билан белгиланади. Мазкур моделга мувофиқ, таълимнинг биринчи босқичи бакалавр даражасини (талаба 4 йиллик дастур бўйича таълим олади) беришни кўзда тутади. Бакалавр даражаси умумий касбий маълумот олишни таъминлайди. Кўп босқичли тизимнинг иккинчи босқичи – магистр даражасини беришни кўзда тутади. Бу даражани олиш учун бакалавриат босқичини тамомлагандан

кейин икки йиллик таълим курсини ўташ лозим. Магистрлик дастурлари ўрганиладиган фан соҳаларининг бири бўйича ихтисослаштирилган таълим олишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конунига мувофиқ таълим сифати Давлат таълим стандартлари (ДТС) билан таъминланади, уларда таълим жараёнининг қурилиш тамойиллари, ўкув дастурининг тўзилиши ва мазмuni, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, мажбурий компонентлар (ўкув фанлар рўйхати), таълим натижалари ва компетенциялар тавсифи ҳакида батафсил ахборот жамланади. ДТС шундай хукукий ҳужжат саналадики, унинг асосида ОТМ фаолияти белгиланади, ундан ОТМ маъмурияти каби давлат назорат органлари томонидан ҳам бошқарув ҳужжати сифатида фойдаланилади.

ДТС асосида ўкув режалари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Гарчи мутахассислик бўйича таълим стандарти бўлажак мутахассис ўзлаштириши лозим бўлган фанлар рўйхатини, хар бир фанга ажратиладиган ўкув соатлари ҳажмини ўз ичига олса-да, бу рўйхатни ўкув режа деб ҳисоблаб бўлмайди, зеро унда ўкув топшириқларининг курс ва семестрлар бўйича тақсимланиши кўзда тутилмайди. Бу мақсадга факат ўкув режада эришилади, ўкув режа ҳам давлат ҳужжати саналади.

Ўкув режа аввало мутахассислик номини белгилайди, малака ва ўқиш муддатини белгилайди. Кейин у ёки бу йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш учун зарурӣ фанлар рўйхати белгиланади. Ўкув фанлари бешта асосий гурухга бўлинади. Булар:

- гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар;
- математик ва табиий-илмий фанлар;
- умумкасбий ва мутахассислик фанлари;
- ихтисослик фанлари;
- таълимнинг қўшимча турлари.

Режада шунингдек у ёки бу фаннинг қайси курс ва семестрда ўқитилиши, уни ўрганиш учун ажратиладиган соатлар миқдори, ҳисбот тури (синов, имтиҳон, рейтинг) кўрсатилади. Мажбурий фанлар билан бир қаторда ОТМ кафедралари талабаларга танлов фанларини, ОТМ томонидан белгиланган ихтисослик фанларини ҳам таклиф қиласи. Бундан ташқари, мутахассислик ўкув режасида амалиёт турларини ўташ муддатлари, курс ва диплом лойиҳалари (ишлари) ни тайёрлаш, бу лойиҳаларни ҳимоя қилиш ва давлат аттестацияларини ўтказиш муддатлари кўрсатилади. Бу ишларнинг бутун ҳажми маълум умдатларга жойлаштирилиши лозим.

Бакалавриятнинг дефектология таълим йўналиши ўкув режасида бешта фан блоки ажратилади. Булар:

1. Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар (режага мувофиқ 1704 ўкув соати ҳажмида). Гуманитар фанлар сирасига Ўзбекистон таризи, ҳуқуқшунослик ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фалсафа (этика, эстетика, мантиқ), маънавият асослари ва диншунослик, маданиятшунослик, иктисодий назария, социология, педагогика ва психология, миллий ғоя, сиёсатшунослик, ўзбек ва чет тили, жасмоний маданият ва спорт каби фанлар киритилади. .

2. Математик ва табиий-илмий фанлар (858 соат). Математик-коммуникатив курс ўз ичига қуйидаги фанларни олади: олий математика асослари, информатика ва ахборот технологиялари. Табиий фанлар сифатида талабалар ёш физиологияси ва гигиэна, экология ва уни муҳофаза қилиш, анатомия (одам генетикаси), табиий фанлар замонавий концепцияси кабиларни ўрганади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда олий дефектологик таълим талабаларнинг кенг умумиомий ва умуммаданий тайёргарлиги билан ажратилиб туради. Кўрсатиб ўтилган блокларда умумтаълим фанларининг хиссаси жами ўкув соатларининг 27,6% ини ташкил қиласди, бу халқаро амалиётда қабул қилинган стандартларга умуман мос келади. Бунда аудитория соатларининг 59,1% и амалий машғулотларга ажратилади, талабаларнинг мустақил ишлари аудитория соатларининг 80,3% ини ташкил қиласди.

3. Умумкасбий фанлар: психологик-педагогик фанлар (умумий педагогика, умумий психология, маҳсус педагогика, маҳсус психология). Умумий назарий курслар: дефектологиянинг клиник асослари, она тили, болалар адабиёти ва фольклор). Ўқитиш методикалари курси: рифожланишида нуқсони бўлган болаларни ташҳислаш, математика ўқитиш маҳсус методикаси, Диагностика детей с недостатками в развитии, она тили ўқитиш маҳсус методикаси,, коррекцион ишлар методикаси, тарбиявий ишлар маҳсус методикаси, тасвирий санъат ўқитиш маҳсус методикаси, меҳнат ўқитиш маҳсус методикаси, табиатшунослик ўқитиш маҳсус методикаси.

Бу блока ажратилган соатлар 3672 ёки умумий соатлар миқдорининг 39,5% ини ташкил қиласди. Мустақил таълим аудитория ишининг 45,3% ига тенгдир.

4. Ихтисослик фанлари: олигофренопедагогика, логопедия ва сурдопедагогика. Мазкур фанларни ўқитишга 660 соат ёки умумий ўкув юкламанинг 7% и ажратилади. Аудитория ва мустақил ишларга тенг – 330 соатлан ажратилади.

5. Қўшимча фанлар: тиббий тайёргарлик, чет тили, соғлом турмуш тарзи асослари. Бу фанларни ўқитишга, жами 450 соат, яъни ўқув юкламасининг 4,8% фоизи ажратилади.

Қўшимча, 810 соат педагогик амалиётга, 216 соат битирув малакавий ишга ва 918 соат давлат аттестациясига ажратилади.

Мутахассислик бўйича ихтисослик (маҳсус) фанларга жами бўлиб 4332 ажратилади, бу ўқув юкламанинг 46,6% ини ташкил қиласди.

Ўқув режа асосида ўқув курсларини ўқитиш дастурлари ишлаб чиқилади. Турли курсларда (босқичларда), турли гурухларда ёки турли мутахассислик йўналишларида ўқитиладиган айни бир фан ажратилган соатлар, ихтисослик йўналишининг ўзига хосликлари (лого, сурдо) ва ш.к. нуқтаи назаридан деталлаштирилиши керак. Айнан бир фан бўйича айнан битта ўқитувчи бир неча ишчи дастурга эга бўлиши мумкин, улар ўқитувчига материални таълимнинг муайян шароитларидан келиб чиқсан ҳолда тақсимлашда қўл келади.

Марзу, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш календарь (тақвим) режалари ўқитувчи томонидан ишчи дастур асосида ишлаб чиқилади ва кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Стандартлар ва таълим жараёнини ташкил қилишга қўйиладиган талабларга мувофиқ, ўқув йили давомида бир неча марта талabalар: бакалавр ва магистрларнинг семестр давомида ўқиладиган ҳар бир фан бўйича билим, кўникма ва малакаларини оралиқ баҳолаш ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг барча типларида 1999 йилдан рейтинг тизими (минимум – 56 балл, максимум – 100 балл) жорий қилинган. Тизим талabalarning мустақил ўқишлиари учун академик соатлар ажратиш, шунингдек ҳар бир семестр охирида талabalар билимларини баҳолашни кўзда тутади. Бунда қўйидагича рейтинг схемасидан фойдаланилади: 86-100 балл – «аъло» (5); 71-85 балл – «яхши» (4); 56-70 балл – «қониқарли» (3); 55 дан кам балл – «қониқарсиз».

Баҳолаш натижалари асосида ўқиши мувваффақиятли тамомлаган талabalарни таълим дастурининг кейинги йилига ўтказиш қида қарор чиқарилади. Йиллик ўқув дастури талablari бажарилмагани ҳолда таълимнинг кейинги йилига ўтказиш мумкин эмас.

Барча типдаги ОТМ да таълимни тамомлаш учун битирувчилар иш берувчилар иштироқида мажбурий якуний имтиҳон (аттестация) топшириши шарт. Бунда иш берувчилар талabalар тайёрлашнинг мувофиқлиги ва сифатини баҳолаш имконига эга бўлади. бакалавриатни тамомлаш учун

талабалар шунингдек битирув малакавий ишини, магистральар эса магистрлик диссертациясини тайёрлаши ва ҳимоя қилиши лозим.

### **3.Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиши**

Фанлар бойича намунавий ўқув дастури услубий-меёрий хужжат бўлиб, давлат таълим стандартининг бакалавр (ёки магистр) билими, ўқуви ва кўнимкамларига муайян фан бойича қойилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади. Намунавий дастур асосида эса тегишли таълим йўналиши ёки мутахассислиги мослаштирилган ишчи ўқув дастурлари ишлаб чиқилади.

Намунавий ўқув дастурлари Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1999 йил 29 октябрь, 324-сон буйруги билан белгиланган таянч олий таълим муассасаларида тегишли фан соҳасидаги етук олимлар, мутахассислар ва тажрибали профессор-ўқитувчилардан ташкил топган ижодий гурӯх томонида тузилади.

Намунавий дастур 1-иловада келтирилган тўзилма асосида ишлаб чиқилади. Унинг таркибида кириш ва асосий қисмлар, амалий семинар ва тажриба дарсларининг мавзулари хақида тавсиялар, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг рўҳати (агар ўқув қўлланмалари сифатида дастур асосида ёзилмаган асарлар тавсия этилса, тегишли мавзуга мос сахифалар) курсатилади. Давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб, маълум фанлардан чизма-хисоб, курс ишлари ва лойихалари ва уларнинг мавзу ва йўналишлари хам келтирилиши мумкин.

Намунавий ўқув дастури вазирликнинг 2002 йил 2 февралдаги 54-сон буйруги билан тасдиқланган ўқув режалари киритилган муайян фан учун ажратилган энг кўп вакт бюджетига мослаб, хар 20 соатлик материал учун тахминан бир бетлик хажмда тўзилади. Ушбу намунавий ўқув дастури асосида яратилган ишчи ўқув дастурида аниқ мавзулар, уларга ажратилган соатлар, мавзулар бойича қўлланиувчи дидактик ва техник воситалар, мавзулар ва булимлар бойича билимни назорат қилиш турлари хамда тегишли услубий тавсиялар аниқ кўрсатилади ва шу боис унинг хажми чекланмайди.

#### **Намунавий ўқув дастурининг мазмунига қойилган талаблар**

Дастур фан, техника, технологиянинг сўнги ютуқлари, олий таълим ривожланишининг жаҳон тенденциясини хисобга олиши, Республикада жорий этилган Узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги

узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши, айникса 3 хил таълим - умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими ва олий таълимда Узлуксиз ўқитиладиган фанларда мавзуларнинг мантиқий кетма-кетлиги, оддийдан муракқабликка, хусусийдан умумийликка утиб бориш тамойилларига амал қилиниши шарт. Дастурда таълим олувчиларнинг мустақил билим излаш ва уни ўзлаштириш, ўқитиши жараёнини интерактив педагогика асосида ташкил этишга, мавзуларнинг бир хил талқинида такрорланмаслигига эътибор берилиши зарур.

### **Намунавий ўқув дастурининг экспертизаси ва тасдиқланиши.**

Намунавий ўқув дастури таянч олий таълим муассасасининг тегишли кафедраси, факультет (ёки таълим муассасаси) услугий (илмий) кенгашида мухокама қилинади ва унинг тавсиясига мувофиқ ректор томонидан тасдиқланади. Мухокама жараённида намунавий ўқув дастурига камида 2 та ташкил тақриз олинади.\_

Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 29 майдаги 208-сон карори билан белгиланган ижтимоий фанлар бойича тузилган намунавий ўқув дастурлари маҳсус методологик комиссиясига мухокама учун топширилади.

Барча фанлар бойича тузилган намунавий ўқув дастурлари олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш экспертизасидан ўтиши шарт ва унинг тавсияси билан вазирлик томонидан руйхатга олинади ва амалга киритилади.

Намунавий ўқув дастурлари вазирликнинг тегишли бошқармаси томонидан тасдиқка тавсия этилади ва ройхатга олинади. Бу хавда намунавий ўқув дастури бош варагига белги қойилади. Намунавий дастурнинг эталон нусхаси вазирликда сақланади.

Намунавий дастур давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритилган тавдирда ёки ўзга колларда 3 йилда бир марта қайта ишлаб чиқилиши ва ушбу тартибга асосан қайта экспертиза ва тасдивдан ўтиши зарур. Намунавий ўқув дастури тасдиқланган ва руйхатга олинган кундан бошлаб амалга киритилади.

### **Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш**

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичи (1997-2001йиллар) якунланиб, иккинчи босқичи (2001-2005 йиллар)га уғилди. Ўтган вақт мобайнида умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим турлари учун янги давлат таълим стандартлари ишлаб

чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу меёрий-хуқуқий хужжатлар узлуксиз таълим тизимининг барча турлари учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратишга асос бўлиб, ўқув жараёнини сифатли тахлил қилишга хизмат килади. Миллий истиқлол ғоясига содик, етарли интеллектуал салоҳиятга эга, илм-фаннынг замонавий ютуқлари асосида мустақил фикр ва мушоҳада юрита оладиган шахсларни тарбиялаш хамда рақобатбардош, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишни талаб килмоқда. Мафкуравий хамда мазмун ва моҳияти жихатдан эскирган, тўлиқ анъанавий (босма) усулда нашр этилаётган дарсликларнинг маълум қисми янги таълим тизимининг талаб ва эҳтиёжларига жавоб беролмай колди. Илм-фан жадал тараққий этаётган замонавий жамиятда ривожланган ахборот-коммуникация тизимлари воситасида тури фан соҳаларида эришилган ютуқларнинг тез янгиланиб бориши таълим олувчилар олдига янги билимларни жадал эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам равишда мустақил билим излаш вазифасини қоймоқда.

Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, уларни тайёрлаш борасидаги илмий-услубий, ташкилий (шу жумладан, лотин алифбосига ўтиш) ва молиявий масалаларни хал қилиш, Узлуксиз таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадларига эришишни таъминлашга қаратилган чораларни ишлаб чиқишини талаб килади.

### Мақсад ва вазифалар

Концепциянинг мақсади Узлуксиз таълим тизимининг барча таълим турлари учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмларини белгилашдан иборатdir.

### Ўқув адабиётларининг шакллари ва турлари

Ўқув адабиётларнинг шакллари.

Ўқув адабиётлари-муайян таълим тур (йўналиши ёки мутахассислиги) ўқув режасида кайд эилган фанлар бойича тегишли ўқув дастурлари асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ва дидактикаси ёритилган (шу жумладан хорижий таржималар) манба бўлиб, икки хил шаклда тайёрланади:

Анъанавий (босма) ўқув адабиётлар -таълим олувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятлари, маълумотлар ,хажми, шрифтлари, қоғоз сифати, муқова тури ва бошқа курсаткичларни хисобга олган холда қоғозда чоп этиладиган манба;

Электрон ўқув адабиётлар – замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвиrlаш, янгилаш, саклаш, билимларни

интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба.

### Ўқув адабиётларнинг турлари

Узлуксиз таълим тизими ўқув-тарбиявий жараёнида ўқув адабиётларнинг куйидаги турлари кулланилади: дарслик, ўқув қўлланма, луғат, изоҳли луғат, маълумотлар туплами, лекциялар курси, лекциялар туплами, методик кўрсатмалар, методик қўлланмалар, маълумотлар банки, дайжест, шарх ва бошқалар

Дарслик - давлат таълим стандартта, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқлол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фаннинг асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган хамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари хисобга олинган нашр.

Хар бир таълим турининг ва вазифаларини камраб олган, билим олувчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини хисобга олган ўз дарсликлари булади. Дарсликда назарий маълумотлардан ташкари, амалий-тажриба ва синов машқлари бойича зарур

кўрсатмалар берилади.

Ўқув қўлланма - дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бойича тузилган ва фан асосларининг чукур ўзлаштирилишини таъминловчи, айrim боб ва булимларни кенг тарзда ёритишга ёки амалий машқ ва машғулотлар ечимига мўлжалланган нашр.

Ўқув қўлланмада муайян мавзулар дарсликка нисбатан кенгрок ёритилади. Масалан, «Механиқа» - физика фанининг механиқа қисмига багишланган ўқув қўлланма. «Физикадан масалалар туплами» – физика фани бойича масала ва машқлар ечишга мўлжалланган ўқув қўлланма ва хоказо.

Луғат - аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси, идиомалар ва хоказо) тўплами, уларнинг мазмунни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумот берувчи ёки сўзнинг тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар хақида ахборот берувчи нашр.

Изоҳли луғат — сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, хар бир сўзнинг грамматик, этимологик ва стилистик тавсифи берилган, уларни қўллашга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

Маълумотлар тўплами – фойдаланишга қулай шаклда яратилган муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва ракамлардан, илмий, ижтимоий-сиёсий, амалий, иктисадий, маданий ва бошқа соҳдлардаги киска маълумотлардан ташкил топган нашр. Маълумотлар тўпламида бир қатор мухим илмий-амалий масалаларни ечиш намуналари келтирилиши мумкин.

Лекциялар курси - фаннинг ўкув дастури бойича ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмунни киска ёритилган, бирламчи кўрсатилган янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўкув адабиётлар, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган нашр, лекциялар курсининг номи тегишли фан номи билан аталади.

Лекциялар тўплами — муайян фаннинг ўкув дастури бойича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмунни киска ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўкув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, даврий равишда илмий-тадқиқот изланишлар асосида янгиланиб туриладиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси бойича чиқариладиган кичик ададпи тарқатма материал.

Методик (услубий) кўрсатма — муайян фаннинг ўкув дастури бойича курс ишлари (лойихалари), лаборатория ва амалий ишларни бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган хамда ушбу фан бойича талabalарда зарур амалий кўнималар хосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чиқариладиган кичик ададли тарқатма материал.

Методик қўлланма - ўқитувчилар (профессор-ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириклар ва бошқалар хакида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларини илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

Шарх - жамият тараққиёт учун мухим ахамият касб этадиган меёрий-хукуқий хужжатларни, шунингдек, бахсга лойиқ асарларни, гояларни, фикрларни ва таърифларни изохловчи, муайян масалалар ечимини кўрсатувчи, кенг оммага мўлжалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

Дайжест - илмий, илмий-услубий, ўқув, даврий адабиётлар, хукумат ва турли ташкилотлар фаолиятига тегишли қонунлар, карорлар, Низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шархи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр.

Электрон дарслик - компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга хамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг хар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган бўлиб ўқув ва илмий материаллар фактат вербал (матн) шаклда; ўқув материаллар вербал (матн) ва икки улчамли график шаклда; мультимедиа (мультимедиа - куп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч улчамли график куринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда; тактил (хис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини «экран оламида» стерео нусхаси тасвиirlанган реал оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан харакатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

Маълумотлар банки - ахборот технологияларнинг имконияти ва воситалари асосида яратилган, статик ва динамик режимда тузилган, товуш ва рангли тасвиirlар билан таъминланган, катта хажмдаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ва уларни турли кўринишда (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм ва хоказо) бера оладиган, ўқув жараёнида билим олувчилик томонидан ўз устида мустақил ишлиши ва ўз билимларини назорат қилиши учун қўлланиладиган, доимий равишда тўлдириб бориладиган, кенг доирада фойдаланишга мўлжалланган, тегишли ваколатли давлат ташкилотида кайд этилган соҳалар бойича маълумотлар туплами.

### **Ўқув адабиётлариға қўйиладиган талаблар**

#### **a. Умумий талаблар**

Таълим турларининг хусусиятларидан ва нашр шаклидан қатъий назар барча ўқув адабиётлар қўйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак:

- давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) асосида тайёрланиши;
- таълим-тарбия жараёнига хамкорлик педагогикаси ва ўқитишнинг интерактив услубларини татбиқ қилишда кўмак бериши;
- тегишли ўқув фанининг назарий ва амалий ривожланишида, узоқ ва яқин ўтмишдаги бой интеллектуал меросимизнинг ўрни ва ахамиятини кўрсатиши;
- интеллектуал инсонпарварлик гояларининг акс эттирилиши, инсоннинг табиат ва ижтимоий хаётда ўта масъулиятлилигини англашибга қаратилиши;

- ватанпарварлик ва миллий ғуур хиссини шакллантириши, мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириши;
- маънавий-ахлокий сифатларни шакллантириши, таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаши;
- билимларни онгли равишда ўзлаштириш, қизиқиш уйгота оладиган ва мустақил фикрлашга юналтира оладиган хусусиятларга эга бўлиши;
- билим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши,  
мустақил таълим олишга қизиқиш уйғотиши;
- юқори даражада умумлаштирилган ва замонавий илмий билимларга асосланган маълумотлар (қонунлар, айниятлар, таснифлар ва хоказо) дан ташкил топиши;
- иллюстрацияларга бой, кўргазмали тасвир ва бадиий-услубий жихатдан амалий фаолиятга қаратилган бўлиши;
- билим олувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятларини хисобга олиши;
- билимларнинг мутлақлиги ва нисбийлигини ёрқин ифодалashi;
- таълим олувчиларнинг билими, ўкуви ва кўнилмаларини назорат қилиш имкониятига эга бўлиши;
- таълим ва тарбияни ижтимоий хаёт,унумли меҳнат билан узвий боғланишига эътибор бериши;
- фан ва техника ютуқларининг ахамиятини ифодалashi, илмий масалаларнинг мантиқий кетма-кетликда, фаннинг ўкув дастурига мувофиқ баён этилиши;
- яхлитликни идрок қилиш хисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантиқий бир тизимда берилиши;
- матн жозибали шаклда баён этилиши;
- асосий тушунча ва холосаларнинг таърифлари нихоятда аниқ ва равshan ёзилиши,атамаларнинг умунийлигига эришилиши.

Санаб ўтилганлардан ташқари хар бир таълим турининг ўқув адабиётларига ўзига хос бўлган талаблар қойилади.

Мактабгача таълим

Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбияси учун мўлжалланган ўқув адабиётлар қуидаги талаблар асосида яратилади:

- мактабгача таълимнинг давлат талабларига жавоб бериши;
- миллий ва умумбашарий қадриятлар хамда анъаналар, ўзбекона одоб-ахлоқ ва меҳр оқибатнинг болалар онгига сингдирилишига эътибор қаратилиши;
- болаларнинг соғлом ва жисмонан бақувват тарбияланишига хизмат қилиши;
- болалар нутқи, уларнинг билимларга қизиқиши ва интилишини ривожлантиришга қаратилиши;
- тасвирий санъатдан илк тушунчалар хосил қилиш ва шу соҳада тегишли амалий машғулотлар ўтказишга қаратилиши; маданий-эстетик тарбия, бадиий меҳнат, мусиқий саводхонлик ва оммавий фаолият билан боғлик машғулотлар ўтказишга мўлжалланган бўлиши;
- бола тафаккурини ривожлантирувчи ва мустақил фикрлаш малакаларини шакллантирувчи ахборотларга бой бўлиши, мазкур таълим турига оид янги педагогик технологиялардан фойдаланиши хамда мактабдаги таълимга тайёргарликни таъминлаши;
- шахсий гигиена ва экологик таълим-тарбия бойича бола ёшига мос равища зарур тушунча ва билимларни бериш вазифасини ўташлиги.

### Умумий ўрта таълим

Умумий ўрта таълимдаги ўқув адабиётларга қойиладиган талаблар:

- ўқувчиларнинг ёши ва психо-физиологик ривожланиш хусусиятлари хисобга олиниши, санитария-гигиеник талабларга жавоб бериши;
- фаннинг ўқув дастуридаги мавзулар тўла ёритилиши;
- фанлараро боғликларнинг таъминланиши, билимларни баён этишга муаммоли ёндашиш усулинин қўллаш;
- мавзуларнинг оддий ва содда тилда, тушунарли ва равон баён этилиши хамда ўқувчиларда билим олишга интилиш хисси, мустақил фикрлаш малакаларининг шаклланишига хизмат қилиши;
- ўқув адабиёти дизайнни тегишли ўқув фани мазмунига мутаносиблигининг таъминланиши;
- муайян фан бойича 1-9 синфларда хамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими турида бериладиган билимлар орасидаги узвийликнинг таъминланиши;
- ўқув адабиётнинг хажми (босматабок) муайян фаннинг ўқув дастури ва

ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасидан келиб чиқкан холда белгиланиши;

- ўқув адабиёти муқобил вариантларда яратилиши ва чоп этилиши.

### Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими

Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимидаги ўқув адабиётларга қўйидаги қўшимча талаблар қойилади:

- қасбга қизиқиши кучайтириш, уни мустахкам эгаллашга ва замонавий билимлар асосида рақобатбардош мутахассислар чиқишини таъминлаши;
- мустақил ва эркин фикр юритиш, масъулиятли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган шахсларни тарбиялаши;
- қайси фанга тегишлилигидан қатий назар назарий билимлар амалиёт билан кенг боғлиқлигининг таъминланиши;
- ўқувчида яхлитликни идрок қилиш хисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантиқий бир тизимда берилиши;
- муайян фан соҳасига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, эстетик ва дизайн кўрсаткичларда илм-фан ютуқларини тасвирлайдиган кургазмали маълумотлар қурилма, аппаратлар ёки уларнинг маълум қисмлари ва бошқалар турли рангда берилишига эътибор қаратилиши.

### Олий таълим

Олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичларида ўқитиладиган фанлар ва уларга тегишли ўқув адабиётларнинг мазмун-моҳияти нихоятда чуқур илмий-услубий, юқори сифат-микдор қўрсаткичларда бўлишлиги тақозо этилади:

- ўқув адабиётлардаги хар бир боб ёки мавзунинг мазмуни тушунарли, илмий гоя ва тушунчалар моҳияти аниқ ва равshan баён этилиши;
- матнни хотирада сақдашни осонлаштириш, мавзулар ихчам чизмалар, турли тасвирий ифодалар, жадвал хамда расмлар билан таъминланиши;
- аниқ ва табиий фанлар бойича илмий тушунча ва гоялар, конун ва қонуниятлар, тарихий ходиса ва ижтимоий жараёнларнинг хаётийлиги;
- таҳлилий муносабатнинг етарли даражада бўлиши;
- муаллиф ва талаба ўртасида фикрларнинг мантиқий баёни жараёнида ўзаро боғлиқни таъминланиши;
- мавзуларнинг бир-бирига мантиқан боғлиқлиги ва кетма-кетлигининг сақланиши.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлганлигини инобатга олиб, ушбу таълим туридаги ўқув адабиётлари (олий таълимда қўлланиладиган адабиётлар билан биргаликда даврий, илмий, илмий-услубий нашрлар, илмий монографиялар, шархлар, дайжестлар, таржима адабиётлар) қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- илм-фаннинг сунгги ютуқлари ёритилиши илмий тадқиқотларни талааб даражасида олиб боришга хизмат қилиши;
- тегишли соҳа менежментига оид стратегик вазифаларни ўзида акс этиши;
- маънавий-маърифий ва ўқув-тарбиявий фаолиятни илмий асосда олиб боришга қаратилиши.

### **Электрон ўқув адабиётларини яратиш босқичлари**

#### **Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга қойиладиган талаблар**

Кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ Узлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётлари таълим турлари бойича тасдиқланган давлат таълим стандартлари (ёки давлат талаблари) асосида, муайян фаннинг ўқув адабиётлари мазкур таълим турнида ўқитиладиган фанлар билан ўзаро боғликлекни ва бошқа таълим турларида ушбу фаннинг ўқув дастурларидағи узвийликни таъминлаган холда тайёрланади. Ўқув адабиётлар белгиланган тартибда хар томонлама экспертизадан ўтказилади.

Хар бир таълим тури учун яратилаётган ўқув адабиётларига психологик-педагогик, услубий-дидактика, санитария-гигиенник вабошқа талаблар алоҳида белгилаб қойилади. Узлуксиз таълим тизимининг барча турларида фундаментал билимлар бойича ўқув адабиётлари асосан анъанавий босма шаклда тайёрланади.

Электрон ўқув адабиётлари билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва чукурлаштиришга, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган бўлиб, купрок чукурлаштириб ўқитиладиган фанлар бойича яратилади. Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг ривожланиши сари мазмуни тез ўзгарувчан, чукурлаштириб ўқитиладиган, касбий ва маҳсус фанлар бойича асосан кам ададли электрон ўқув адабиётлари тайёрланади. Ўқув адабиётларнинг мазмуни билим олувчиларда мустақил ва эркин фикрлаш, олинган билимларни босқичма-босқич бойитиш,

мукаммалаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётлардан излаб топиш кўнималарини ҳосил қилишни таъминлаши керак.

Электрон ўқув адабиётларини яратиш ва амалиётга жорий этиш уч боскичда амалга оширилади:

1. Ташкилий-тайёргарлик босқичи (2002-2003 йиллар):

- электрон ўқув адабиётларнинг илмий-услубий, ташкилий, молиявий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш хамда барча ўқув фанлари бойича уларни яратиш;
- таълим муассасаларида электрон ўқув адабиётларидан фойдаланишга мўлжалланган ахборот технологиялари воситаларини ривожлантириш ва масофавий ўқитиш марказларини ташкил этиш;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимлари, олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқув жараёнига электрон ўқув адабиётларини татбик этиш ва қўллаш борасида илмий-услубийвтадқиқотларни ўтказиш.

2. Тажриба-синов босқичи (2004-2005 йиллар):

- тегишли таълим турларида электрон ўқув адабиётлардан фойдаланишга киришиш ва ўқитиш технологияларини синовлардан ўтказиш;
- таълим муассасаларининг техник инфратўзилмасини такомиллаштириш ва компьютер дастурлари бойича моддий-техник таъминотини талаб даражасига чиқариш.

Электрон ўқув адабиётларидан фойдаланишни республика ягона таълим тармоғи имкониятлари доирасида кенгайтириш.

Ўқув жараёнида кенг фойдаланиш босқичи (2006 йилдан бошлаб):

- ўқув адабиётларнинг янги авлодини (шу жумладан, лотин алифбосида) кенг ишлаб чиқариш ва таълим муассасаларини таъминлаш;
- электрон ўқув адабиётларни тегишли таълим турлари ўқув жараёнида ялпи қўллаш;
- таълим муассасаларида электрон ўқув адабиётларнинг кутубхонасини ташкил этиш.

#### **4.«Махсус педагогика фанларини ўқитишнинг инновацион мухитини лойихалаштириш» курсининг мақсади ва вазифалари**

ДТС га мувофиқ дефектология факультети битирувчилари қуидаги касбий фаолият турлари билан шуғуланиши мүмкін:

- ўқитувчилик: махсус мактаб, мактаб-интернатларда;
- тарбиячилик: махсус мактабгача таълим муассасаларида;
- ўқув-методик: мазкур йўналишда таълимни амалга оширадиган вазирликлар метод кабинетларида, уларнинг соҳавий булинма ва бошқармаларида;
- илмий-тадқиқотчилик: илмий-тадқиқот муассасаларида ва ш.к.

Шунга кўра, махсус фанларни ўқитиш бир пайтнинг ўзида махсус педагогика ва психология бўйича фундаментал билимлар бериш, умумтаълим ва махсус мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактабларда, мактабдан ташқари муассасаларда тарбия ва ўқув фанларини ўқитиш методикаси, психологик-педагогик ташхис ва логопедияга ўқитиш; илмий-тадқиқотчилик малака-ларини, жамоатчилик ва ҳамкаслари ўртасида маърифий ва тарғиботчилик фаолиятини юритиш, дефектологик билимлар, шунингдек, имконияти чекланган шахслар хуқуqlари соҳасида тарғибот ишларини олиб бориш малакаларини шакллантиришни ўз ичига олиши лозим.

Бу, ўз навбатида, «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» курсининг мақсад ва вазифаларини белгилаб беради.


Курснинг мақсади магистрларни назарий ва амалий жиҳатдан бакалавр-дефектологларга, «амалий дефектолог» мутахассислиги бўйича ўқиётган шахсларга, малака ошириш утаётган, ҳамда тегишли мутахассислик бойича коллеж ва лицейларда таҳсил олаётган уқитувчиларга дарс бериш, шунингдек, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилишга тайёрлашдан иборат.

Курснинг вазифалари:

- магистрнинг ўқитиш соҳасидаги компетентлигини: ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасаларида ўқитиш, бу фаолиятнинг хукукий-меёрий таъминоти асосларига оид билимларини шакллантириш;
- магистрантни мутахассислик фанларини ўқитишни ташкил қилиш шакллари билан танишириш ҳамда унинг Марузा, амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари давомида таълим жараёнини режалаштириш малакаларини шакллантириш;
- магистрантни мутахассислик фанларини ўқитиш ҳамда баҳолаш методлари билан танишириш ҳамда унинг замонавий педагогик технологияларни қўллаш, таълим олувчиларнинг ўқищдаги ютуқларини мониторинг ва ташхис қилиш, таълим натижаларини баҳолашнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ малакаларини шакллантириш;
- магистрантнинг махсус ва инклузив таълим, имконияти чекланган шахслар хуқуqlари соҳасида дунёқарашиб компетенцияларини шакллантириш.

«Махсус фанларни ўқитиш методикаси» курси замонавий умумий ва махсус педагогика ва психология, фалсафа фанлари ютуқларига таянади. Курсни ўрганишда таълим дастури, олий таълимнинг давлат стандарти, Ўқув режа, Марзуа, амалий машғулот, семинар, лабораторияя иши, педагогик амалиёт,

битириув-малакавий иш, синов, имтихон, рейтинг, курс иши, реферат, конспект, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари каби тушунчалар ёритилади. Курс олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим бериш ва талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик кобилиягини ўзлаштиришга тайёрлашга йўналтирилганди



### **Назорат учун саволлар**

1. Дефектологлар тайёрлаш жараёнини бошқарувчи хуқуқий-меёрий хужжатлар иэрархиясини ёритиб беринг.
2. Мутахассислик фанлари Ўқув режада қандай ўрин тутади ва қандай тоифаларга бўлинади?
3. Бакалавр дефектологларнинг касбий фаолияти ва мутахассислик фанларини ўқитишда қандай боғлиқлик мавжуд?
4. Ўзбекистонда дефектологлар тайёрлашни такомиллаш-тиришнинг асосий йўналишларини айтиб беринг.
5. « Махсус педагогика фанларини ўқитишнинг инновацион мухитини лойихалаштириш » курси-нинг мураккаблиги нималардан иборат?
6. Давлат таълим стандартларида қандай ахборотлар жамланган бўлади?
7. Ихтисослик ва умумкасбий фанларни бир-биридан фарқи нимада?
8. Ўқув режа нимани назарда тутади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. – 160 с.
2. Гейдебрандт К.Ф. Учебный план свободной вальдорфской школы. // Частная школа. – 1997. № 2
3. Гузеев В. В. Интегральная образовательная технология. – М., 1999.
4. Гузеев В.В. Образовательная технология: от приема до философии. М.: Сентябрь,1996.
5. Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология.- М.: Народное образование, 2000.
6. Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.
7. Ижтимоий педагогика. / Эгамбердиева Н.- Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 232 б.
8. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов: рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.
9. Загвязинский В.И. Теория обучения. Современная интерпретация. – М., 2001.
- 10.Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.
- 11.Кашлев С.С. Современные технологии педагогического процесса. М.: “Университетское”, 2000.
- 12.Левитес Д.Г. Современные образовательные технологии. Новосибирск, 1999.
- 13.Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
- 14.Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. Методик қўлланма. 2006.
- 15.Nurkeldiyeva D.A, Chicherina Y.YE, Yakubjonova D.B. Mutaxassislik fanlarini o‘qitish metodikasi. “Fan va texnologiya” Т.: 2013.
- 16.Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.
- 17.Яркулов Р., Махмудова М.Ф. Высший педагогический образовательный процесс. Учебное пособие для студентов педагогических институтов и университетов. ТГПУ имени Низами. Т., 2007.

## **2 - Мавзу: Махсус педагогика фанларининг ўқитишининг инновацион мухитини лойихалаштириш фанини ўқитишда инновацион таълим**

### **Режа:**

1. “Ўқитиши методикаси” ва “Педагогик технология” тушунчаларининг тавсифи.
2. “Ўқитиши методикаси ва “Таълим технологияси” тушунчаларининг қиёсий тахлили.
3. Илғор педагогик технологияларни тадбиқ этишда анъанавий инновацион ёндошувни уйғунлаштириш зарурияти.
4. Мутахассислик фанларини ўқитишда инновацион таълим методаларини қўллаш.

### **Асосий атама ва тушунчалар**

Инновация, таълим методлари, ўқитиши методикаси, педагогик технология, дидактик ойинли технологиялар, педагогик технологиялар, анъанавий дарс, ақлий ҳужум, кичик гурухларда ишлаш, давра сұхбати, ишбоп ойин методи, ролли ойин методи, баҳс-мунозара методи, муаммоли вазият, лойиха методи, муҳандислик-педагогик фаолият, таълим олувчи фаолият, йўналтирувчи матн.

1. Замонавий шароитда яхлит педагогик жараён, унинг алоҳида таркибий қисмлари, педагогик фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқликда “методика” ва “технология” тушунчалари кўп қўлланилади. Ҳатто, мазкур тушунчалар моҳиятини тавсифлашда ҳам хилма-хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, педагогик соҳада фаолият юритувчи шахслар ўртасида ҳам кўпгина тортишув, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Педагогик адабиётларни тахлил қилиш, маълумотларни умумлаштириш орқали мазкур тушунчаларнинг аниқ таърифини шакллантириш мумкин.

Умумий маънода “методика” тушунчаси маълум бир ишни бажариш учун зарур бўладиган метод ва усуллар йигиндисидир. Кўпгина изоҳли луғатларда ҳам “Методика – қатъий кетма-кетликка (алгоритмик характерга), илгари ўрнатилган режа (коида), тизимга аниқ риоя қилиш бўлиб, бирор бир ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси”ни ифода этиши кўрсатиб ўтилган<sup>4</sup>.

“Методика” тушунчасига берилган хилма-хил таърифларга таянган ҳолда қуидаги умумлашмаларга келиши мумкин:

1) методика – бу ўқитувчи ишини ташкил этишининг шакл, метод ва воситалари;

2) маълум бир фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган метод ва усуллар йигиндиси;

3) билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнини мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этиши, режали ва тизимли амалга оширишига ёрдам берувчи усуллар йигиндиси.

“Методика” тушунчаси турли фанларни ўқитиш билан ҳам боғликларда қўлланилиб, маълум соҳани ўқитиш жараёни, мазмуни, қонуниятлари, тамойиллари, шакл, метод ва воситалари йигиндисини ўзида ифода этади. Педагог олим А.М.Столяренконинг фикрича, “Ўқув фанларини ўқитиш методикаси методика маълум бир педагогик вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ метод, методик усуллар, восита ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуидир”<sup>5</sup>. Г.М.Коджаспирова, А.Й.Коджаспировларнинг фикрича, “Ўқитиш методикаси педагогик фаолиятни амалга оширишнинг аниқ усуллари, услублари ва техникасидир”<sup>6</sup>.

Ўқитиш методикасига қўйиладиган зарурий талабларга қуидагилар киради:

- 1) ҳаёт билан уйғунлик;
- 2) қайта ишлаб чиқишига йўналганлик;
- 3) аниқлик;
- 4) режалаштирилган харакат мақсад ва вазифаларига мослик;
- 5) асосланганлик;
- 6) натижавийлик.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, ўқитиш методикаси ўзида:

<sup>4</sup> Hasanboyev J., To'raqulov X., Haydarov M., Hasanboyeva O., Usmanov N. Pedagogika fanidan izohli lug'at. – T.: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2009. – В.311;

Ожегов С. И., Шведова Н. Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений / Российская академия наук. Институт русского языка им. В. В. Виноградова. – 4-е изд., дополненное. – М.: Азбуковник, 1999; Словарь бизнес-терминов. Академик.ру. 2001.

<sup>5</sup> Столяренко А.М. Психология и педагогика. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – С.368.

<sup>6</sup> Коджаспирова Г.М. и Коджаспиров А.Ю. Словарь по педагогике. – М.: ИКЦ «МарТ», 2005. – С.174.

- таълимнинг мақсад ва вазифаларини – таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, ташкилий;
- таълимнинг қонуният ва тамойилларини;
- таълим мазмунини;
- таълимни ташкил этишининг асосий ва ёрдамчи шаклларини;
- таълимнинг умумий ва хусусий методларини;
- ўқув воситалари;
- ўқитиши натижасини акс эттиради.

Ана шу асосдан келиб чиқкан ҳолда, қуйида ўқитиш методикаси моҳиятини ёритиб берувчи асосий тушунчаларга изоҳ бериб ўтамиз:

1) *ўргатиш* – ўқитиш мақсадини амалга ошириш бўйича педагогнинг тартибланган фаолияти;

2) *ўрганиш* – англаш, машқ қилиш, ва эгалланган тажрибалар асосида хулқ-автор ва фаолиятнинг янги шаклларини эгаллаш жараёни, олдин эгалланганлари ўзгариади;

3) *ўқитиши* – қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог билан талабаларнинг тартибланган ўзаро ҳаракати;

4) *таълим* – ўқитиши жараёнида эгалланадиган билим, кўникма, малакалар, фикрлаш усуллари тизими;

5) *билим* – маълум бир фанни назарий ўзлаштиришни акс эттирадиган инсон ғоялари йиғиндиси;

6) *кўникма* – эгалланган билимларнинг аниқ хатти-ҳаракатдаги ифодаси, ўзлаштирилган билимларни амалиётга қўллаш усулларини эгаллаш;

7) *малака* – автоматлашган, бирор бир учул билан бехато бажариш, кўникманинг такомиллашган даражаси;

8) *мақсад* – ўқитишининг нимага қаратилганлиги, унинг кучлари келгусида қай йўсинда сафарбар этилиши;

9) *мазмун* – ўқитиши жаараёнида эгалланиши лозим бўлган илмий билим, амалий кўникма ва малакалар, фаолият, фикрлаш усуллари тизими;

10) *ташкил этиши* – қўйилган мақсадни яхши амалга ошириш учун унга зарурый шаклни тақдим этадиган, аниқ мезонлар бўйича тартибланган дидактик жараён;

11) *шакл* – ўқув жараёнининг ташки ифодаси, унинг ички моҳияти, мантиғи, мазмуни учун қобик;

12) *метод* – ўқитишининг мақсад ва вазифаларига эришиш (амалга ошириш) йўли;

13) *восита* – ўқув жараёнининг предметли қўллаб-куватланиши, янги материални ўзлаштириш жараёнида ўқитувчи ва талабалар томонидан фойдаланиладиган обьект;

14) *натижса* – ўқув жараёнининг сўнгги маҳсули, белгиланган мақсадларнинг амалга ошганлик даражаси.

Илм-фан ва ишлаб чиқапишнинг жадал ривожланиши жамиятни иқтисодий тапакқий эттириш билан бир қатопда ижтимоий муносабатлар мазмунида ҳам туб ўзгапишлапнинг пўй беришига замин япатмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳада бўлгани сингари ижтимоий, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам технологик ёндашувни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

“Технология” юонча сўз бўлиб, “techne” – маҳорат, санъат ва “logos” – тушунча, таълимот, фан маъносини англатади. “Таълим технологияси” иборасининг маъноси – (инглизча “An educational technology”) таълим жараёнини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир. Айни вақтда мазкур тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона ғоя мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёпитилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

“Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиши ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиши ва белгилашнинг изчили методидир” (*ЮНЕСКО*).

“Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради” (*М.В.Кларин*).

“Педагогик технология – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма ҳисобланади”. (*Г.К. Селевко*).

“Педагогик технология – психологик ва педагогик ўѓитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуслар, ўқитиши йўллари, тарбиявий воситаларнинг маҳсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради” (*Б.Т.Лихачев*).

“Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси” (*В.П.Беспалко*).

“Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиши натижаларига эришиш жараёни тавсифи” (*И.П. Волков*).

“Технология – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси” (*В.М.Шепел*).

“Педагогик технология – ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён барқарорлигини ошириб,

бу жараён иштирокчисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади”. (В.М.Манахов).

“Педагогик технология -тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзапо таъсирини инобатга олиб, таълим мақсаддапини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштипиш жараёнларида қўлланадиган усул ва методлар мажмуидир”. (М.О.Очилов).

“Педагогик технология бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир қўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни” (Н.Саидахмедов).

“Педагогик технология бу муайян лойиха асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтипилган ҳамда йшбй мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жапаёнининг мазмйнидип” (Ў.Қ.Толипов).

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиқкан ҳолда айтиш мумкинки, педагогик технологиянинг аҳамияти аввал ўзлаштипилган назапий билимлап билан янги ўзлаштипиладиган билимлап опасида мистаҳкам боғланишлапнинг юзага келиши билан белгиланади. Мазкур жараёнда қуидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

- *тенг қийматли (эквивалент) амалиёт қоидаси*: таълим олйвчилапнинг таълимжапаёнидаги хатти-ҳапакатлапи тест ўтказиш ёки имтиҳон давпида таълим олйвчи томонидан ташкил этилиши кўтиладиган хатти-ҳапакатлапга тўла мос келади;
- *ўхшиаш амалиёт қоидаси*: таълим олйвчилап содип этилиши кўтилаётган хатти-ҳапакатлапини ташкил этиш мажбўпиятига эга бўлмай, балки моҳиятан шйндай бўлган шапоитлапда машқ қилиш имконига эга бўладилап;
- *натижалапни аниқлаши қоидаси*: таълим олйвчига йнинг ҳап бип хатти-ҳапакатининг мазмйини баҳолаш натижалапи бўйича маълйомот бепиш, мазкийп шаптга аксапият ҳоллапда жопий назопатни ташкил қилиш жапаённида пиоя этилади;
- *пағбатлантиши қоидаси*: талабанинг мақбйл хатти-ҳапакатлапини пағбатлантишиб бопиш, педагогик фаолият жапаённида талаба томонидан содип этилган салбий хатти-ҳапакатлап йчйн йнга танбех бепилмайди, балки йлапни баптапаф этиш истагини юзага келтириб амалий кўпсатма бепилади. Масалан, “яна бип марта йпиниб кўп”, “янада чийқйпок ўйлаб кўп”, “масалани ҳал этишнинг янада осонпок ўйли бор, йни топишга йпиниб кўп” ва ҳакозолап.

Таълим амалиётида “педагогик технология” тушунчаси уч даражада қўлланилади:

*Умумпедагогик (макро) даражса.* Мазкур даражага мувофиқ келадиган технологиялар яхлит педагогик жараёнга тегишли бўлиб, таълим тизимининг барча турларида қўллаш имконини беради.

*Хусусий-методик (мезо) даражса.* Ушбу даражага ўзида маълум бир ўқув фани, алоҳида таълим олувчилар гуруҳи, маълум ихтисосликка мансуб педагогларга йўналганликни акс эттиради.

*Локал даражса (микро).* Мазкур даражага тегишли технологиялар ўқувтарбия жараёнининг алоҳида таркибий қисми, алоҳида шахс сифатларини шакллантириш, маҳсус ўқув кўникма ва малакаларини таркиб топтиришга хизмат қиласди.

Педагогик технологияга хос яна бир муҳим жиҳат унинг алоҳида таснифий белгиларга эга бўлишидир. *Ҳар қандай педагогик технология қўйида таснифий белгиларга тўлиқ жавоб бершии лозим:* 1. Қўлланилиш даражаси ва тавсифи. 2. Фалсафий асоси. 3. Методологик ёндашуви. 4. Ривожланишнинг етакчи омиллари. 5. Тажрибани ўзлаштиришнинг илмий концепцияси. 6. Шахсни ривожлантириш соҳасига йўналганлиги ва тузилиши. 7. Мазмунли тавсифи. 8. Ижтимоий-педагогик фаолият тури. 9. Қўлланиладиган методлари. 10. Ташкилий шакллари. 11. Таълим олувчига ёндашув ва ўзаро ҳаракат таъсири. 12. Модернизацион йўналиши ва анъанавий тизимга муносабати. 13. Қўлланилиш тоифаси.

Кўйида педагогик технологиянинг қўлланилиш даражаси ва таснифий белгиларининг моҳиятини ифода этувчи айрим мисолларни келтириб ўтамиш:

***И. Технологиянинг номланиши: Юксак маънавиятли шахсни шакллантириши тарбия технологияси.***

**Технологиянинг таснифий белгилари:**

- *қўлланилиши даражаси ва тавсифи:* умумпедагогик даражадан микротехнология даражасигача;
- *фалсафий асоси:* 1) инсонпарварлик; 2) барча хилма-хил концепциялар;
- *методологик ёндашуви:* тизимлилик, шахсга йўналтирилганлик, индивидуаллик, фаолиятли ёндашув, қадриятга йўналтирилган ёндашув;
- *ривожланишнинг етакчи омиллари:* 1) социоген; 2) психоген;
- *тажрибани ўзлаштиришининг илмий концепцияси:* ассоциатив-рефлекторли + фаолиятли + ривожлантирувчи + интериоризаторли;
- *шахсни ривожлантириши соҳасига йўналганлиги ва тузилиши:* БМО (билим, малака, одат) + ЭАС (эстетик-ахлокий соҳа) + ЎзБМС (ўз-ўзини бошқариш механизми соҳаси)+ҲАС (ҳаракатли-амалий соҳа);
- *мазмунли тавсифи:* таълимий, тарбиявий, технократик;
- *ижтимоий-педагогик фаолият тури:* ижтимоийлаштириш;

- қўлланиладиган методлари: 1) изланишли; 2) хилма-хил тарбия методларидан фойдаланиш;
  - ташкилий шакллари: 1) индивидуал; 2) барча тарбия шакллари;
  - қўлланиладиган воситалари: 1) аудиовизуал; 2) барча тарбия воситалари;
  - тарбияланувчига ёндашув ва тарбиявий ўзаро ҳаракат тавсифи: шахсга йўналтирилган;
  - модернизацион йўналишии ва анъанавий тарбиявий тизимга муносабати: мотивацион, мазмунли, фаолиятли ва қадриятга йўналтирилган функцияни кучайтириш асосида;
  - қўлланилиши тоифаси: оммавий, барча тоифадаги тарбияланувчилар учун<sup>7</sup>.

**ИИ. Технологиянинг номланиши:** *Фалсафий-антропологик ёндашув асосида талабаларнинг тарихий тафаккурини шакллантириш технологияси.*

**Технологиянинг таснифий белгилари:**

- қўлланилиши даражаси ва тавсифи: хусусий даражада қўлланилиш тавсифига эга мезотехнология;
- фалсафий асоси: 1) антропологик; 2) онтологик; 3) диалогик;
- методологик ёндашуви: инсонпарвар, алгоритмли, амалий йўналтирилган, қадриятга йўналтирилган ёндашув;
- ривожланишининг етакчи омиллари: 1) социоген; 2) психоген;
- тажсрибани ўзлаштиришининг илмий концепцияси: ассоциатив-рефлекторли + фаолиятли + ривожлантирувчи + бихевиористик;
- шахсни ривожлантириши соҳасига йўналганлиги ва тузилиши: БМО (билим, қўникма ва малака) + ЎзБМС (ўз-ўзини бошқариш механизми соҳаси) + ҲАС (ҳаракатли-амалий соҳа);
- мазмунли тавсифи: умумтаълимий;
- ижтимоий-педагогик фаолият тури: таълимий (дидактик), тарбиявий, ривожлантирувчи;
- қўлланиладиган методлари: 1) диалогли; 2) вазиятли; 3) бир-бирига тушунтириш; 4) бир-бирига ўргатиш; 3) мустақил иш; 4) харита билан ишлаш; 5) ўйин; 6) изланишли-тадқиқотчилик;
- ташкилий шакллари: 1) индивидуал; 2) гурӯхли; 3) жуфтликларда ишлаш; 4) жамоавий;
- қўлланиладиган воситалари: 1) тарқатма материаллар; 2) хужжатли фильмлар; 3) бадиий адабиётлар; 4) мультимедиа;
- талабага ёндашув ва тарбиявий ўзаро ҳаракат тавсифи: шахсга йўналтирилган;

---

<sup>7</sup> Қаранг: Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологияси. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2012.

- модернизацион йўналиши ва анъанавий таълим тизимга муносабати: ижтимоий-тарбиявий функцияни кучайтириш асосидаги педагогик технология;
- қўлланилиш тоифаси: умумий ўрта таълим мактаблари талабалари учун<sup>8</sup>.

**ИИ. Технологиянинг номланиши: Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологияси.**

### Технологиянинг таснифий белгилари:

- қўлланилиш даражаси ва тавсифига кўра: локал даражада қўлланилиш тавсифига эга микротехнология;
- фалсафий асосига кўра: қадриятга йўналтирилган, инсонпарвар;
- тажрибани ўзлаштиришининг илмий асосига кўра: ассоциатив-рефлекторли ва интериоризаторли;
- шахс ривожланишининг етакчи омилига кўра: социоген ва психоген;
- тузилиши ва мазмунли тавсифига кўра: ижтимоий, тарбиявий.
- қўлланиладиган метод, усул ва воситаларига кўра: муаммоли, ривожлантирувчи, дилогли<sup>9</sup>.

“Методика” ва “технология” тушунчалари таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, мазкур тушунчалар ўзаро алоқадорлик ва умумийликка эга бўлиши билан бирга айрим ўзига хосликлар билан ҳам тавсифланади.

2. Маълумки, сўнгги йилларда таълим-тарбияга технологик ёндашувнинг кенг миқёсда татбиқ этилиши педагогиканинг алоҳида соҳаси ҳисобланган “методика” билан “технология” тушунчаларининг моҳиятини аниқлаштириб олишга алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Чунки аксарият ҳолларда мазкур тушунчаларнинг моҳиятини аниқ фарқлай олмаслик натижасида уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш, ёхуд уларнинг ўрнини алмаштирган ҳолда қўлланилиши кўзга ташланмоқда.

Албатта, “методика” ва “технология” тушунчалари моҳиятинини тушунтиришида аниқ чегара қўйши бир оз мураккаб масала. Бироқ уларнинг ўзига хосликларини таҳлил этиши, айрим фарқли жиҳатларни ажратиб кўрсатишга имкон беради.

Методика – бу хусусий дидактика, яъни бирор бир фанни ўқитиши назарияси. Ўзаро таъсир этишнинг турли шаклларини ўрганиш асосида

<sup>8</sup> Каранг: Михлиев А. Ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2012.

<sup>9</sup> Юсупова Г. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2011. – Б.24-25.

бирор фанни ўқитиши ва ўрганиш йўлларини ўкув фани методикаси ишлаб чиқади ва таълим олувчиларга таъсир этишнинг аниқ тизимини ўқитувчиларга таклиф этади. Бу тизимлар ДТС, ўкув дастури ва дарсликларда очиб бериувчи таълим мазмунида ўз аксини топади ҳамда таълим методлари, шакллари ва воситалари орқали амалга ошади. Ўкув фани методикаси дидактика билан мустаҳкам боғланган ва унинг умумий қоидаларига таянади. Тарбия тамойилларига асосланиб эса, методика ўкув фани мақсади, унинг таълим олувчи шахсини ривожланишидаги аҳамиятини очиб беради.

Дидактика турли таълим муассаларида хилма-хил ўкув фанларини амалга ошириладиган ўкув жараёни-нинг умумий қонуниятларини акс эттиради. Табиийки, ҳар бир ўкув фани ўзига хос хусусиятлари, қонуниятларига эга, ўзининг алоҳида методлари ва таълимни ташкил этиш шаклларини талаб этади. Мазкур масалалар билан хусусий методика, ёки алоҳида ўкув фанларини ўқитиши методикаси (тарих, математика, педагогика, психология ва бошқалар) шуғулланади.

Таълимни технологиялаштириш – бу ўқитиши жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир. Таълимга технологик ёндашиш – бу маълумот ва таълим мазмунини атрофлича таҳлил қилиш йўли билан ўкув-тарбия жараёнининг умумий, хусусий мақсадларини таҳлил қилиш, ўқитувчи ва талаба мақсадларининг учрашган нуқталарида (ўқитиши мақсади, ўқиш мақсади) таълимнинг дидактик мақсадини белгилаш асосида таълимни лойиҳалаш ва амалга ошириш йўллари билан мўлжалдаги эталонга эришишдир. Умуман, таълим технологияси ҳақида гап кетганда ўзаро дахлдор қуидаги ҳодисаларни бир-биридан фарқлашга эҳтиёж туғилади: таълимни дидактик лойиҳалаш; лойиҳани амалга ошириш; таълимнинг жорий ва оралиқ натижасига кўра дидактик лойиҳага тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш; таълимни такрорлаш ва якуний назоратдан иборат. Бу ҳодисаларнинг биринчи ва иккинчиси анъанавий таълим тажрибасида ҳам учрайди. Таълим технологиясининг анъанавий таълим тизимидан фарқи шундаки, таълим натижаси ва унинг этalon даражасида бўлиши доимо ўқитувчи ҳамда талабанинг дикқат марказида туради. Ўқитувчи таълим натижасини тез-тез текшириб, талabalарни ўзлари эришган ютуқлардан огоҳ қилиб туради ва талabalар ўзлари эришган ютуқ ва камчиликларни англаб, ютуқларини янада кўпайтиришга, камчиликларини эса бартараф этишга ҳаракат қиласи.

Талabalар таълимнинг зарурийлигини, улар таълим жараёнининг ҳақиқий субъектига айланган пайтида сезишади.

*Сүнгги вактларда “технология” тушунчасини методикадан устун қўйишга уринишлар юзага келмоқда. Аслида “методика” тушунчаси технологиядан юқори туради. Чунки методика – бу метатехнологий. Агар мазкур тушунчани ўқув жараёнига татбиқ этадиган бўлсак, ўқув жараёни, мақсади, вазифалари, мазмуни, шакл, метод ва воситаларини белгилашга доир умумий талаблар мавжуд. Ҳар бир ўқув машғулотини амалга ошириш маълум белгиланган алгоритмик кетма-кетликка асосланади. Методика ана шу алгоритмик кетма-кетликнинг умумий ва хусусий қоидаларига асосланишини талаб этади. Ўқитувчи ўқув мақсади билан боғлиқликда машғулотни ўtkазиш технологиясини эркин танлаши мумкин. Аниқроқ айтганда, ҳар бир машғулотда кутиладиган натижага мос ҳолда ўқув босқичларини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, ҳар бир босқичда кўлланиладиган шакл, метод ва воситаларни танлаб олиш имконияти юзага келади.*

*Айрим ҳолатда “методика” ва “технология” тушунчасини фарқлашаада ўқитувчи ва талаба фаолиятини асос қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинади. Яъни методикада ўқитувчининг дарс жараёнидаги фаолияти ёритиб берилса, технологияда талабаларнинг ўқув ҳаракатлари ойдинлаштирилади, деган мулоҳаза баён қилинади. Бироқ бундай ёндашувни маъқуллаб бўлмайди. “Методика” ҳам, “технология” ҳам ўқитувчи-талаба фаолиятини яхлитликда ташхис этади. Технология методикадан фарқли равища ҳар бир босқичда ўқитувчи-талаба фаолияти мазмунини алоҳида-алоҳида ойдинлаштиради. Ҳар бир босқичда эришилган натижаларни ташхис этиб, ўз вақтида коррекциялаш имконини беради. Ана шу жиҳат таълимга технологик ёндашувнинг энг асосий характерли томонидир.*

*“Методика” ва “технология” тушунчаларининг баҳс доirasи билан ҳам боғлиқликда айрим фарқли жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Жумладан, методик тизим “Қандай ўқитиш?”, “Нима учун ўқитиш?”, “Нимага ўргатиш?” каби саволларга жавоб излайди, технология эса, “Қандай тарзда самарали ўқитишга эришиш мумкин?” деган саволни марказга қўяди. Методика ўқув жараёнигин қандай тарзда ташкил этиш лозимлигини назарда тутса, технология қай йўсинда ўқув жараёнини энг қулай, мақбул тарзда амалга оширишга дикқат-эътиборни қаратади.*

*Реал таълим амалиётida эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир муҳим масала “метод” ва “технология” тушунчаларини бир хил мазмунда кўлланилаётганидир. Бу борада фақат амалиётчи-педагогларни айбордor дейши ҳам ўринли эмас. Сабаби педагогик технологияга доир адабиётларда “метод” тушунчасининг ўрнига “технология” сўзини қўйиб ишлатилиши ҳолати жуда кўп учрайди. Метод – мақсадга эришиш йўли сифатида яхлит таълим жараёнининг алоҳида элементи ҳисобланади. Агар интерфаол*

методларни “технология” сўзи билан ифода этаётган мутахассислар уларни қўллаш босқичма-босқич амалга оширилишини назарда тутуб, шундай ёндашувга асосланаётган бўлсалар бундай назарий-методологик асос дидактик нуқтаи назардан мутлақо хато. Чунки технологик жараён икки – лойиҳалаш ва режалаштириш босқичларидан ташкил топади. Таълим лойиҳаси маълумот мазмунини давлат стандартлари талаблари асосида таҳлил этишдан бошланади. Таҳлил маълумот мазмуни элементлари (билим, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар) дастурларда қандай берилганлиги, дарслкларда қандай акс эттирилганлигига қаратилади. Кейин таълим мазмуни ўрганилади, у ёки бу мавзуни ўрганишдан кўзда тутилган мақсад, таълимнинг дидактик мақсади, ўқитувчи ва талabalар мақсади, мақсадларни амалга ошириш ва ҳисобга олиш варақалари, бериладиган уй ишлари миқдори, мавзулар бўйича ўтказиладиган тест саволлари, рейтинг назорати босқичлари, этalon даражасида ўзлаштириш шакл, метод ва воситалари олдиндан белгилаб кўйилади. Бу ишларнинг барчаси таълим моделини яратишга олиб келади. Режалаштириш машғулот босқичларини лойиҳалаш, ҳар бир босқичда профессор-ўқитувчи ва талabalар фаолиятини ойдинлаштириш, қадамлар кетма-кетлигини аниқлаштиришни талаб этади. Натижада машғулотнинг технологик харитаси яратилади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, таълим технологияси ўқитиш методикаси асосида қурилиб, унинг қонуниятлари, тамойиллари, шакл, метод ва воситаларига асосланган ҳолда, кутиладиган натижаларга асосланган ҳолда ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, лойиҳага мувофиқ ўқитувчи ва талаба фаолиятини аниқ белгиланган кетма-кетликда амалга оширишнинг самарали техникасидир.

3. Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қиласи. Бундай долзарб муаммолар сирасига куйидагиларни киритиш мумкин:

1) олий таълимда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Гарчи республикамизда педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамасдан, мазкур ўқув қўлланмаларда олий таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган интерфаол методлар ва уларни қўллашга доир методик кўрсатмалар аниқ ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат олий таълим профессор-ўқитувчиларининг интерфаол методларни қўллашга доир маълумотлардан тўла хабардор бўлмаслигига олиб келмоқда. Олий таълим муассасаларидағи

таълим жараёнини кузатиш профессор-ўқитувчилар кенг қўллайдиган интерфаол методлар жуда камчиликни ташкил этишини кўрсатади. Бундай методлар сифатида кластер, Б-Б-Б чизмаси, ақлий хужум, “Балиқ скелети” чизмаси, “Қандай? диаграммаси” кабиларни айтиб ўтиш мумкин;

2) профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни қўллашда методик қоидаларга тўлиқ риоя этишлари лозим. Бошқача айтганда, интерфаол методлар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг ёш хусусиятлари, машғулот шакли, аудиторияда мақбул шарт-шароитнинг мавжудлиги каби жиҳатларни аниқ ҳисобга олган ҳолда қўллаш лозим. Оддий бир мисол: профессор-ўқитувчилар, айниқса, ёш ўқитувчилар деярли ҳар бир машғулотида кластер методини қўллади. Энг қизиғи, мазкур метод орқали ўкув мақсадига эришиш мумкин ёки мумкин эмаслигидан қатъий назар ундан фойдаланиш ҳолати қўп учрайди. Бундан ташқари, учтўрт доирани чизиш орқали тармоқлар ҳосил қилиш ҳам мумкин эмас. Мазкур метод талабаларнинг маълум бир нарса-ходиса, жараён ёки тушунчага оид фикрларини умумлаштириш, уларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади. Ана шу асосдан келиб чиқсан ҳолда, кластер методидан ўтилган материални мустаҳкамлаш босқичидагина фойдаланиш мумкин. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, интерфаол методдан ноўрин фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга эмас, аксинчи машғулот сифатини пасайтиришга олиб келади;

3) таълим технологияларини яратиш учун профессор-ўқитувчилар ўкув мақсадларини педагогик вазифаларга айлантириш, уни кутиладиган натижага мос ҳолда аниқлаш қўникмасига эга бўлишлари лозим. Барча машғулотларнинг технологик ишланмаларини яратиш жараёнида идентив ўкув мақсадларини вазифаларга айлантириш учун бир хил феъл туркумидаги сўзлар (маълумот бериш, очиб бериш, ёритиб бериш, изоҳлаш кабилар)дан фойдаланиш ўринли бўлмайди. Бунинг учун профессор-ўқитувчилар Блум таксономиясини амалиётда қўллаш қўникма ва малакаларига эга бўлишлари талаб этилади. Идентив ўкув мақсадларини ўкув вазифаларига айлантириш қўникмасига эга бўлмасдан туриб, машғулот жараёнини мувафақиятли лойихалашга эришиш мумкин эмас;

4) олий таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш анъанавий ўқитиши тизимининг муқобили сифатида хизмат қилиши лозим. Чунки барча аудитория машғулотларида интерфаол методларни қўллашга зарурият йўқ. Энг асосийси, технологик ёндашув асосида ўкув машғулотида кутилган натижага эришилиши лозим. Мазкур жараёнда мақсадга эришишга имкон берувчи исталган мақбул методлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг технологик ёндашувни нотўғри

талқин этган ҳолда, маъруза машғулотларини талабаларнинг ўзлари томонидан ўтиб берилишини талаб қилишлари ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Маъруза машғулотига нисбатан бундай ёндашув унинг самарадорлигини таъминлашга тўлиқ хизмат қилмайди. Олий таълимда ўқитишининг асосий шакли сифатида маърузага қўйиладиган методик, шу жумладан маърузачига қўйиладиган талаблар мавжуд. Мазкур талабларнинг тўлиқ бажарилиши профессор-ўқитувчи (лектор) орқалигина самарали амалга ошиши мумкин. Фақат анжуман-маъруза машғулотларини талабаларнинг маърузалари асосида ташкил этиш имконияти мавжуд ва бу соҳада республикамизда катта тажриба тўпланган. Бунда ҳам анжуман-маърузани ташкил этиш ва ўтказиш талабларига риоя қилиниши лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, олий таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидаги методик вазифаларни мувафақиятли ҳал этиш лозим:

1) профессор-ўқитувчилар “интерфаол метод”, “стратегия”, “технология” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб олишлари лозим. Мазкур тушунчаларнинг моҳиятини тўғри англай олмаслик уларни қўллашда қўплаб методик қийинчиликларни юзага келтиради. Олий таълимда асосий эътибор ўқитиши жараёнини лойиҳалаш (технологик модель) ва режалаштириш (технологик харита)га, яъни технологизацияга қаратилиши керак;

2) олий таълимда фанларни ўқитиши жараёнинда интерфаол методлардан фойдаланишда методик қоидалар ва қўрсатмаларга риоя қилиниши керак. Аниқ методик қўрсатмаларга риоя этиш орқали интферфаол методларни самарали қўллаш имконияти юзага келади. Бу эса таълим сифатининг ошишига хизмат қиласди;

3) педагогика малака ошириш тармоқ марказида “Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модулини ўқитишида асосий эътиборни профессор-ўқитувчиларни ўқитиши жараёнини лойиҳалаш ва режалаштира олиш кўнишка ҳамда малакаларини ривожлантиришга қаратиш лозим;

4) фанлар бўйича таълим технологияларини яратишида хилма-хиллик, ижодийлик, инновацион ёндашувларга асосланиш, бир қолипга тушиб қолишдан сакланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жараёнда фанларнинг, машғулот шакллари, мавзуларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ўринли бўлади;

5) олий таълим муассасаларида “Инновацион марказ” фаолиятини йўлга қўйиш, мазкур марказ куч ва имкониятларидан профессор-

ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш мақсадида фойдаланиш эҳтиёжи мавжуд. Таълимга инновациялар кириб келиши диалектик тавсифга эга бўлгани учун ҳам янгиликларни яратиш, жорий этиш, ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этишга доир вазифаларни мувафақиятли ҳал этишга хизмат қилувчи инновацион марказ фаолиятини йўлга қўйиш ҳар жихатдан самарали бўлади.

**4.Мутахассислик** фанларини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларни ишлаб чиқиш. Дидактик ўйинли технологияларнинг дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишдаги ўрни. Таълим тизимида билим, кўнирма ва малакаларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш. Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган семинар, амалий машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишининг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишининг замонавий методларини қўллаш ўқитиши жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.


Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим оловчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очища ақлий хужум, кичик гурухларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим оловчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади. **Интерфаол методлар** деганда-таълим оловчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим оловчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим оловчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим оловчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим оловчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жихатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиши-ўрганиш;

- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-кувватланиши;

**“AQLIY HUJUM” myetodi**



да бажариш оркали ўрганилиши;

- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

**“Ақлий ҳужум” методи** - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар оркали маълум бир эчимга келинадиган методdir. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчilarнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аник ва қиска тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чикиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчilarнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот килиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини факат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш қўнимкаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккўрни ривожлантириш учун хизмат килади.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган максадга караб амалга оширилади:

1. Таълим олувчilarнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш кисмида амалга оширилади.

- Мавзуни тақрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда – янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
- Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

**“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:**

- Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
- Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
- Ҳар бир таълим оловчи қатнашиши шарт.

Кўйида (1-чизма) “Ақлий ҳужум” методининг тўзилмаси келтирилган.



1-чизма. “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси

**“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

- Таълим оловчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
- Таълим оловчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
- Таълим оловчиларнинг фикр - ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қофозларга ёки доскага) тўпланади;
- Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурӯхланади;
- Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

**“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:**

- 1.натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- 2.таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- 3.фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- 4.таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- 5.таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

### **“Ақлий хужум” методининг камчиликлари:**


- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юкори даражада эшлишиш кобилиятининг талаб этилиши.



**“Кичик гурухларда ишлаш” методи** - таълим олувчиларни фаоллаштириш максадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўкув материалини ўрганиш ёки берилган топширикни бажаришга каратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш хукукига, бошловчи ролида бўлишга, бирбиридан ўрганишга ва турли нуктаи- назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошка интерфаол методларга караганда вактни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вактнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қўйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тўзилмаси келтирилган (2-чизма).



2-чизма. “Кичик гурухларда ишлаш” методининг түзилмаси

#### “Кичик гурухларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлик бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурухлар белгиланади. Таълим олувчилик гурухларга 3-6 кишидан бўлинешлари мумкин.
3. Кичик гурухлар топширикни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аник кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурухлар тақдимот киладилар.
6. Бажарилган топшириклар мухокама ва таҳлил килинади.

7.Кичик гурухлар баҳоланади.

**«Кичик гурухларда ишлаш» методининг афзаллиги:**

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вактни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим оловчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.


**«Кичик гурухларда ишлаш» методининг камчиликлари:**

- баъзи кичик гурухларда кучсиз таълим оловчилар бўлганлиги сабабли қучли таълим оловчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим оловчиларни назорат килиш имконияти паст бўлади;
- гурухлараро ўзаро салбий ракобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гурух ичидаги ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.



“Давра сухбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар йўзасидан таълим оловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш оркали олиб бориладиган ўқитиш методидир.


“Давра сухбати” методи кўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим оловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сухбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим оловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим оловчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим оловчини барча диккат билан тинглайди, агар муҳокама килиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама килинади. Бу эса таълим оловчиларнинг мустакил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



**Белгилар:**  
1-таълим  
олувчилар  
2-айлана стол

### 3-чизма. Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра сухбатида (3-чизма) ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим оловчига конверт көғози берилади. Ҳар бир таълим оловчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варакаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб кўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим оловчига ўзатади. Конвертни олган таълим оловчи ўз жавобини “Жавоблар варакаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб кўяди ва ёнидаги таълим оловчига ўзатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йигиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра сухбати” методининг тўзилмаси келтирилган (4-чизма).



4-чизма. “Давра сұхбати” методининг тузилмаси

**“Давра сұхбати” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:**

- 1.Машғулот мавзуси эълон қилинади.
- 2.Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиши тартиби билан таништиради.
- 3.Хар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гурухда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варакалари”ни таркатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вакт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варакалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
- 4.Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варакаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
- 5.Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига ўзатади.
- 6.Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варакалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига ўзатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига кайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варагалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йигиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод оркали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини киска ва аник ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод оркали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гурухдаги бошка таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

### **“Давра сұхбати” методининг афзалликлари:**

- ўтилган материалининг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

### **“Давра сұхбати” методининг камчиликлари:**

- кўп вакт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш кобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва кизикарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.


## **“ИШБОП ЎЙИН” методи**



**“Ишбоп ўйин” методи** - берилган топширикларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошкарувчилик карорларини кабул килишни имитация килиш (таклид, акс эттириш) методи ҳисобланади.

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг хулк-атвори ва ижтимоий вазифаларини имитация килиш оркали берилади. Бир томондан ўйин назорат килинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Ишбоп ўйинда роллар ва ролларнинг максади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир кисми катъий белгиланган ва ўйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир кисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз максадларини белгилайдилар. Ишбоп ўйинда ҳар бир иштирокчи алоҳида

ролли максадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал-гурухли характерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича карор қабул қиласди, сўнгра гурух билан маслаҳатлашади. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гурух эришган натижаларига қараб баҳоланади. Қуйида “Ишбоп ўйин” методининг тўзилмаси келтирилган (5-чизма).



5-чизма. “Ишбоп ўйин” методининг тузилмаси

#### **“Ишбоп ўйин” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу танлайди, максад ва натижаларни аниклади. Қатнашчилар учун йўрикномалар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.
2. Таълим оловчиларни ўйиннинг мақсади, шартлари ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.
3. Таълим оловчиларга вазифаларни тақсимлайди, маслаҳатлар беради.
4. Таълим оловчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик қўрадилар.
5. Таълим оловчилар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалга оширадилар. Таълим берувчи ўйин жараёнига аралашмасдан кўзатади.
6. Ўйин якунида таълим берувчи муҳокамани ташкил этади. Экспертларнинг хулосалари тингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.

7.Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.

Ҳар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини тўғри бажариши, берилган вазиятда ўзини қандай тўтиши кераклигини намойиш эта олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилиятини кўрсата олиши керак.

### **“Ишбоп ўйин” методининг афзалликлари:**

- таълим оловчиларнинг билимларини ва тажрибаларини ўз қарашлари ва ҳулклари орқали ифода этишга ёрдам беради;
- таълим оловчининг бошланғич билимлари ва тажрибаларини сафарбар этиш учун яхши имконият яратилади;
- таълим оловчилар ўз билимлари доирасидан келиб чиккан ҳолда имкониятларини намойиш этишлари учун шароит яратилади.

### **“Ишбоп ўйин” методининг камчиликлари:**

- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;вакт кўп сарфланади;
- танланган мавзу таълим оловчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади;
- таълим оловчининг хис-ҳаяжони тўғри қарор қабул қилишга ҳалакит бериши мумкин.

### **“РОЛЛИ ЎЙИН” методи**



**“Ролли ўйин” методи** - таълим оловчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим оловчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида рол ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустакил равишда ўzlари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга кўйилган. Ролли ўйинлар таълим оловчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим оловчилар ҳакида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим оловчининг индивидуал характеристи, хулк-автори муҳим аҳамият касб

этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўкув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” методининг тўзилмаси келтирилган (6-чизма)



6-чизма. “Ролли ўйин” методининг тузилмаси

#### **“Ролли ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошка таълим олувчилар уларни кўзатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна кандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кўзатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хуроса килинади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий тълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чикишга жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий маҳсус фан бўйича ўтилаётган мавзуга мос равишда, ҳаётда йўз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин кўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хуроса чиқаришлари лозим.

#### **“Ролли ўйин” методининг афзаллик томонлари:**

- ўкув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (кизиқиши)ни шакллантиришга ёрдам беради;

- таълим олувчиларда шахсларап муюмала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;
- таълим олувчиларда берилган вазиятни таҳлил килиш малакаси шаклланади.

### **“Ролли ўйин” методининг камчилик томонлари:**

- кўп вакт талаб этилади;
- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- таълим олувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;
- барча таълим олувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.



**Бахс-мунозара” методи** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўtkазиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида мухокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дархол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Бахс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлинин кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида (7-чизма) “Бахс-мунозара” методини ўтказиш тўзилмаси берилган.



7-чизма. “Бахс-мунозара” методининг тузилмаси

**“Бахс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

6. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чикади.
7. Таълим берувчи таълим оловчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
8. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли гоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим оловчилардан бирини котиб этиб тайинлади. Бу боскичда таълим берувчи таълим оловчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.  
Таълим берувчи таълим оловчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва гояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил килади.
9. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ёчими танланади.

**“Бахс-мунозара” методининг афзалликлари:**

- таълим оловчиларни мустакил фикрлашга ундейди;
- таълим оловчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга харакат килишига имконият яратилади;
- таълим оловчиларда тинглаш ва таҳлил килиш кобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

**“Бахс-мунозара” методининг камчиликлари:**


- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим оловчиларнинг билим даражасига мос ва кизикарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

## “МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” методи



“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг эчимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустакил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг эчимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тўзилмаси келтирилган (8-чизма).



**“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласди.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гурӯҳларга ажратади.
4. Кичик гурӯҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва хар бир гурӯҳ тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласдилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини мухокама қиласдилар, уларни таҳлил қиласдилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.
7. Кичик гурӯҳлар муаммоли вазиятнинг эчими бўйича тақдимот қиласдилар ва ўз варианtlарини таклиф этадилар.
8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил эчимлар жамланади. Гурӯҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул варианtlарини танлаб олади.

**“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:**

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва эчимларни топишни ўрганадилар;
- таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

**“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:**

- таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;

- кўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- кўп вакт талаб этилади.


## “ЛОЙИХА” методи



**“Лойиха” методи** - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки груухларда белгиланган вакт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хulosса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиха ишлаб чиқиш якка тартибда ёки груухий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиха ўкув груухининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вакт ичida янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топширикнинг эчимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуктаи-назаридан топширик мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб киладиган топширик бўлиши керак.

Лойиха ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбик этиши, таълим олувчилар томонидан мустакил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак.

Куйидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилган (9-чизма).



9-чизма. “Лойиха” методининг босқичлари

## **“Лойиха” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Муҳандис-педагог лойиха иши бўйича топширикларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топширикка оид маълумотлар йигадилар.
2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.
3. Кичик гурухлар иш режаларини тақдимот қиласилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топширикни бажариш бўйича қарор қабул қиласилар. Таълим олувчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда хар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.
4. Таълим олувчилар топширикни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гурухларда ишлашлари мумкин.
5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гурухлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гурухлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қўйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиха кўринишидаги ёзма ҳисобот.
6. Муҳандис-педагог ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний сухбат давомида тахлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аникланади.

Муҳандис-педагог “Лойиха” методини қўллаши учун топширикларни ишлаб чиқиши, лойиха ишини дарс режасига киритиши, топширикни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиха иши билан танишириши, лойихалаш жараёнини кўзатиб туриши ва топширикни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

“Лойиха” методини амалга оширишнинг уч хил шакли мавжуд:

- якка тартибдаги иш;
- кичик гурухий иш;
- жамоа иши.

## “ЙЎНАЛТИРУВЧИ МАТН” методи

“Йўналтирувчи матн” методи - таълим олувчилар мустақил равиша да йўналтирувчи саволлар ёрдамида маълумот йифиш, режалаштириш, амалга ошириш вазфаларини бажарадиган методdir. Куйида (10- чизма) “Йўналтирувчи матн” методида мұхандис-педагог ва таълим олувчиларнинг фаолияти келтирилган.




### 10-чизма. “Йўналтирувчи матн” методида мұхандис-педагог ва таълим олувчи фаолияти

“Йўналтирувчи матн” методининг барча босқичларида мұхандис-педагог фаолияти “пассив”, таълим олувчи фаолияти эса “актив” бўлади. Чунки таълим олувчилар мұхандис-педагог томонидан олдиндан

тайёрланган материаллар асосида мустақил равишда фаолият кўрсатадилар. “Йўналтирувчи матн” методидан ўқув амалиёт дарсларида фойдаланилади. Ушбу методни ўтказиш босқичлари “Лойиха методи”нинг босқичлари билан бир-хилдир. Маълумот йигиш, режалаштириш, амалга ошириш ва текшириш босқичларида таълим оловчи мустақил ишлайдилар. Қарор қабул қилиш ва хулоса қилиш босқичларида таълим оловчи ва муҳандис-педагог орасида “қайтар алокা” ўрнатилиб, биргаликда муҳокама киладилар. Таълим оловчиларга бошланғич босқичларда муҳандис-педагог томонидан тузилган ёзма ҳужжатлар берилади. Бундай ҳужжатларга техник чизмалар, жадваллар, йўналтирувчи саволлар, таркатма материаллар, топшириклар варакаси, баҳолаш варакаси ва бошкалар киради.

Куйидаги чизмада “Йўналтирувчи матн” методининг тўзилмаси келтирилган (11-чизма).



11-чизма. “Йўналтирувчи матн” методининг тўзилмаси

**“Йўналтирувчи матн” методининг босқичлари:**

- Мұхандис-педагог топшириқларни, тарқатма материалларни ва йүнәлтирувчи саволларни ишлаб чықади.

МАҚСАД:	ЙҮНАЛТИРУВЧА САВОЛЛАР:	ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР	ЧИЗМАЛАР, СХЕМАЛАР
			
			
ТОПШИРИК ТАЪРИФИ:			

2. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар, йўналтирувчи саволлар асосида топшириққа оид маълумотлар йигадилар ва “Йўналтирувчи матн” тўзадилар.
  3. Сўнгра таълим олувчилар мустақил равишда “йўналтирувчи матн” асосида иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналар ва ёрдамчи воситаларни режалаштирилиши лозим.

ЙЎНАЛТИРУВЧИ  
МАТН:

---

---

---

---

---

# ИШ РЕЖАСИ

- Таълим олувчилар мұхандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни мұҳокама қилишади. Таълим олувчилар бажариладиган ишлар кетма-кетлиги бўйича қарор қабул қиласидилар, мұхандис-педагог эса факат маслаҳатчи сифатида иштирок этади.
- Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда якка тартибда ёки гурӯхларда амалга оширадилар. Бу босқичда таълим олувчиларнинг амалий қўникмалари шакланади. Мұхандис-педагоглар топшириқнинг бажарилишини “Назорат варажаси”га қайд қилиб боради.

БАҲОЛАШ ВАРАҶАСИ		
№	Мезонлар	Ўқувчи Ф.И.Ш.

НАЗОРАТ ВАРАҶАСИ		
№	Ўқувчи Ф.И.Ш.	Мезонлар

- Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар ва “Баҳолаш варажаси”ни тўлдирадилар. “Баҳолаш варажаси”да сифат мезонлари, яъни талаб этилган меёrlар берилади ва улар эришилган натижа билан таққосланади.
- Мұхандис-педагог ва таълим олувчилар биргаликда иш жараёнини ва эришилган натижаларни якуний сұхбат давомида таҳлил қиласидилар. Ушбу сұхбатда барча таълим олувчиларнинг натижалари баҳоланади ва келажакда иш жараённан нималарга эътибор бериш кераклиги таъкидланади.

“Йўналтирувчи матн” методи “Лойиҳа” методи билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу икки методни бир-биридан қўйидаги нуқтаи назар бўйича фарқлаш мумкин:

- “Йўналтирувчи матн” методи таълим олувчиларнинг мустақил ўрганишига қаратилган;
- “Лойиҳа” методи эса таълим олувчиларнинг мустақил ўрганишидан ташқари, эътиборни касб ўрганишда керак бўладиган шахсий қобилияtlар ва қўникмаларни такомиллаштиришга қаратилган.

## **“Йўналтирувчи матн” методининг афзалликлари:**

- таълим олувчиларнинг кўникма ва малакаларининг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг мустақил ўрганиш кўникмаларини шакллантиради;
- таълим олувчиларда мулокот қилиш, ўз натижаларини ўзи текшириш кўникмаларини ривожлантиради;
- таълим олувчиларда иш-ҳаракатларни режалаштириш, мустақил қарор
- қабул қилиш каби кўникмаларини ривожлантиради.

## **“Йўналтирувчи матн” методининг камчиликлари:**

- кўп вақт талаб қиласди;
- танланган мавзу таълим олувчининг билим даражасига мос келиши талаб этиласди;
- таълим берувчидан катта тайёргарлик кўриш талаб этиласди.

## **Назорат учун саволлар**

1. Ўқитиш методикаси ва Таълим технолгияси тушунчаларини тавсифлаб беринг.

2. Ўқитиш методикаси ва Таълим технолгияси тушунчаларини киёсий таххил қилинг.

1. Интерфаол методларнинг анъанавий методлардан фарқи тушунтиринг.

2. Ақлий ҳужум методидан кўзланган мақсад?

3. Мухандис-педагогик фаолият қандай амалга оширилади?

4. Лойиҳалаш методини босқичларини айтинг?

5. Бахс-мунозара методининг афзалликлари ва камчиликлари?

6. Интерфаол методларнинг таълимдаги аҳамияти қандай?

## **МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

1. Билим, қўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнини мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этиш, режали ва тизимли амалга оширишга ёрдам берувчи усуллар йиғиндиси деб нимага айтилади?

A) Методика

B) Технология

C) Инновацион технология

5. Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология.- М.: Народное образование, 2000.
6. Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.
7. Ижтимоий педагогика. / Эгамбердиева Н.- Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий қутубхонаси нашриёти, 2009. – 232 б.
8. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов: рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.
9. Загвязинский В.И. Теория обучения. Современная интерпретация. – М., 2001.
10. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.
11. Кашлев С.С. Современные технологии педагогического процесса. М.: “Университетское”, 2000.
12. Левитес Д.Г. Современные образовательные технологии. Новосибирск, 1999.
13. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
14. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. Методик қўлланма. 2006.
15. Nurkeldiyeva D.A, Chicherina Y.YE, Yakubjonova D.B. Mutaxassislik fanlarini o‘qitish metodikasi. “Fan va texnologiya” Т.: 2013.
16. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.
17. Яркулов Р., Махмудова М.Ф. Высший педагогический образовательный процесс. Учебное пособие для студентов педагогических институтов и университетов. ТГПУ имени Низами. Т., 2007.

## **З-мавзу. Махсус педагогика фанларини ўқитишда маъруза машғулотларини лойихалаштириш**

### **Режа:**

1. Махсус педагогика фанларини ўқитишининг ташкил этиш шакллари.
2. Махсус педагогика фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган Маруза машғулотларни лойихалаш ва педагогик фаолиятда кўллаш.

**Асосий тушунчалар:** Маруза, семинар, амалиймашғулот, маълумотлиМаруза, муаммолиМаруза, визуаллаштириш (намойишетиш; Марузаси, ҳамкорликдаги Маруза, олдиндан режалаштирилган хатоликлар билан олиб бориладиган Маруза, пресс-конференциямарузаси, пресс-конференциясеминари, мунозарасеминар, «айланастол» семинари, «аклий хужум» семинари, коллоквиумсеминар, ишгадойрўйин семинари, вазиятли-роллиуйинлар, аниқ вазиятларнитаҳлил қилиш методи, тренинг.

Махсус педагогика фанларини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларни ишлаб чиқиш. Дидактик ўйинли технологияларнинг дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишдаги ўрни. Таълим тизимида билим, кўникма ва малакаларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш. Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган Маруза машғулотларини лойихалаш ва педагогик фаолиятда кўллаш.

Маруза ўкув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири ҳисобланиб, ўқитувчи томонидан ўкув материалларини оғзаки равишида,

монологик шаклда, тизимли, маълум бир кетма-кетликда баён этишни назарда тутади. Олий таълим пайдо бўлганидан буён Маруза асосий ўқитиш шакли бўлиб қолмоқда (латин тилидан олинган бўлиб, лестион – ўқиши деганидир). Марузада ўқитувчи тизимли равишда янги билимларни беради ва ўқув курси бўйича мураккаб бўлган муаммолар тушунтириб берилиши дозим. Маруза ўқув машғулотлари орасида этарли даражадаги мураккабликка эга машғулот тури ҳисобланади, шунинг учун ҳам уни нисбатан тажрибали ўқитувчиларга ишониб топширилади.

Марузанинг вазифалари қуйидагилардир: ўқув фани бўйича билимлар тизимини шакллантириш; илмий материалларни аргументларни келтириб (асосли равишда) баён этиш малакасини шакллантириш; касбий фикрлаш доирасини ва умумий маданиятни шакллантириш; дарслик ва ўқув қўлланмаларида хали ёритилмаган янги билимларни баён этиш.

Марузанинг вазифалари қуйидагилардир: информацион (маълумот бериш) – билимлар тизимини баён этиш; мотивацион – ўқув фани мазмунини ўзлаштиришга бўлган қизиқишини ва бўлажак мутахассиснинг касбий мотивини уйғотиш; мўлжал олдирувчи – ўқув материалини келажакда ҳам ўзлаштирилишини учун асос яратиш; тарбиявий – таълим жараёнига онгли муносабатни шакллантириш, мустақил ишлаш ва мутахассисликни хар томонлама эгаллашга интилиш, ўқув фанига қизиқишини ривожлантириш, талабаларнинг тафаккурини фаоллаштиришга кўмаклашиш.

Хозирги кунда машғулотларни Маруза методида олиб борилишига қаршилик қилувчиларнинг сони ортиб бормоқда. Уларнинг фикрларига кўра Марузанинг камчилиги, авваламбор, талабалар фаоллигининг этарли эмаслиги, улапр томонидан маълумотларни этарлича ишланмаслиги талабаларнинг ижодий фаолиятининг мавжуд бўлмаслиги, уларнинг танқидий тафаккурини, маълумотларни амалий қўллаш ва уларни мустаҳкамлашни сўндиришидадир.

Бирок тажрибаларнинг кўрсатишига кўра, Марузадан вож кечиш талабалар тайёргарлигининг илмий даражасини пасайтиради, шунинг учун ҳам Маруза худди аввалгидек, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли бўлиб қолмоқда.

Ўқув жараёнида таълимнинг Маруза шакли бошқа бир шаклдаги машғулот билан алтиришнинг иложи бўлмаса бир қатор вазиятлар йўзага келади<sup>10</sup>:

---

<sup>10</sup> Булanova-Топоркова М.В. Педагогика и психология высшей школы: учебное пособие. — Ростов-на-Дону: Феникс, 2002 й. - 544 б.

- «янги ўқитилаётган курслар бўйича дарсликлар мавжуд бўлмаган вазиятда Маруза – асосий маълумот манбаи ҳисобланади;
- маълум бир мавзу бўйича янги ўқув материали хали дарсликдан ўрин эгалламаганда ёки унинг бўлимлари эскирганда ҳам Маруза – асосий маълумот манбаи ҳисобланади;
- дарсликнинг айрим мавзулари мустақил ўзлаштириш учун мураккаб бўлиб, Марузачи томонидан методик қайта ишланишини талаб этади;
- курснинг асосий муаммолари бўйича қарама-қарши концепциялар мавжӯз бўлганда Маруза уларнинг объектив ёритилиши учун муҳимдир;
- Маруза Марузачининг талабаларнинг дунёқарашини шакллантириш мақсадида шахсий ҳиссий таъсир этиши талаб этилганда жуда муҳим ҳисобланади ва ҳеч бинр машғулот тури билан алмаштириб бўлмайди. Марузанинг ҳиссий безаклари чукур даражадаги илмий мазмун билан уйғунлашиб, тингловчилар билан фикр, сўз ва идрок орасидаги мувофиқликни яратади. Марузанинг ҳиссий таъсири ижтимоий фанларни ўқитишида муҳим ўринни эгаллайди.»

Марузанинг тўзилишини кўриб чиқамиз. Марузанинг одатий тўзилмам элементларига кириш, асосий қисм, хulosса киритилади.

Кириш – аудиторияни ўқув материалини идрок этишга қизиқтириш ва йўналтириш мақсадига эга бўлган Марузанинг бир қисмидир. Марузанинг бу қисмига: Маруза мавзусини баён этиш, унинг касбий аҳамиятини, янгилигини ва унинг ўрганилганлик даражасини, Маруза мақсадини тавсифлаш, Марузада кўриб чиқилиши лозим бўлган асосий муаммоларни қамраб олган Маруза режасини баён этиш, аввалги Марузада кўриб чиқилган саволларни ёдга солиш, уларнинг янги материал билан боғлиқлигини, унинг ушбу фандаги аҳамияти, ўрнини, шунингдек, бошқа фанлар тизимидағи ўрнини белгилашни қамраб олади.

Асосий қисм – таклиф этилган режага қатъий амал қилган холда Маруза мазмунини баён этиш. Маруза мавзусини очиб берувчи концептуал ва далилли материалларни, уларни таҳлили ва баҳоланишини, илгари сурилаётган назарий қоидаларни турли усусларда аргументлаш ва исботлашни қамраб олади. Марузанинг турига қараб иш тури аниқланади.

Хulosса – Марузани умумий хulosалаш, материалларни умумлаштириш, Маруза мавзуси бўйича хulosаларини баён этиш; талабаларнинг саволларига жавоб бериш.

Замонави йпедагогик технологиялар материалларни Маруза кўринишида баён этишнинг анъанавий устунликларини саклаб қолган холда Маруза методининг камчиликларини энгиб ўтишга ҳаракат қилмоқда.

Худди шундай, муаммоли *Маруза* материални баён этиш давомида хал этилиши лозим бўлган саволлардан, муаммони белгилашдан бошланади. Бунда муаммони хал этишнинг тайёр шакли талабаларнинг тажрибасида мавжуд бўлмайди, яъни саволга жавоб топиш учун фикрлаш, фаразларни илгари суриш ва уларни текшириб кўриш талаб этилади. Маълумотли Марузада ўқитувчи томонидан маълум бўлганлар нарсалар ўргатилиши ва талабалардан уларни эслаб қолишининг ўзи талаб этилса, унинг мазмунидан фарқли равишда, муаммоли Марузада янги билим талабалар учун шахсий ихтиrolари сифатида ўргатилади. Муаммоли Марузада талабаларнинг тафаккурини бошқариш учун ўқитувчи томонидан аввлдан тайёрлаб кўйилган муаммо ва маълумотли саволлар қўлланилади.

Муаммоли саволлар – бу жавоблари аввалги ўрганилган мавзуларда ҳам, баён этилаётган материалда ҳам (доскадаги ёзувларда, девордаги жадвалларда ва х.к.) бўлмаган ва талабаларда интелектуал қийинчиликларни йўзага келтирувчи саволлардир. Муаммоли саволлар ўз ичига номаълумларни, янги билимларни қамраб олиб, уларни эгаллаш учун қандайдир интелектуал ҳаракат, маълум бир мақсадга йўналтирилган тафаккур жараёни талаб этилади.

Маълумотли саволлар муаммони тушуниш учун талабаларда мавжуд бўлган билимларни актуаллаштириш ва уни хал этиш бўйича ақлий фаолиятни бошлаш мақсадида берилади.

Шундай қилиб, ўкув материали ўкув муаммоси сифатида илгари сурилади. У маълум шароитда айрим қарама-қаршиликларга эга ва ушбу қарама-қаршиликлар ойдинлашувчи якуний саволлар билан тугайдиган идрок вазифаларининг мантиқий шаклига эга. Муаммоли баён этиш учун ўкув фанининг асосий концептуал мазмунини ташкил этувчи, бўлажак касбий фаолият учун нисбатан муҳим бўлган ва талабалар томонидан ўзлаштирилиши қийинроқ бўлган курснинг муҳим бўлимлари танлаб олинади.

Ўкув муаммолари ўзларининг мураккаблиги жиҳатидан талабаларга мос бўлиши, ўкувчиларнинг билиш жараёнларини ҳисобга олинган, ўрганилаётган фандан келиб чиқган холда янги материални ўзлаштиришда ва шахсни – умумий ва касбий ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлиши зарур.

*Вўзуллаштириши* (намойиш этиши)- Марузаси кўргазмалилик тамойилини янгича қўлланилишига мисол бўла олади, унинг фаол ўқитишнинг шакллари ва методлари ҳақидаги психолого-педагогик илм маълумотлари мазмунига таъсири натижалари ҳисобланади. Вўзуллаштириш (намойиш этиши)- Марузаси талабаларни оғзаки ва ёзма маълумотларни визуал шаклга айлантиришга ўргатади, у эса таълим мазмунида мавжуд бўлган аҳамиятли элементларни ажратиш ва тизимлаштириш ҳисобига касбий тафаккўрни шакллантиради. Ўқитувчи томонидан ушбу турдаги Марузага тайёрланиш деганда Маруза машғулоти мавзуси бўйича ўкув материалларини таълимнинг техник воситалари ёки кўлда (чизма, расм, жадваллар ва х.к.) талабаларга тақдим этиш учун визуал шаклга келтириш назарда тутилади. Бу турдаги Марузани ўқиши Маруза мавзусини тўлиқ очиб берувчи ўқитувчи томонидан тайёрлаб келинган кўргазмали материалларни кенг ва боғлиқ равишда шарҳлаш даражасига этказилади. Бундай турда тақдим этилган маълумотлар талабаларнинг касбий ва идрок этиш фаолиятида муҳим ҳисобланган улар томонидан ўрганилган билимларни тизимлашишини таъминлаши, муаммоли вазиятларни вужудга келтириши ва уларнинг эчимини топишга имкон яратиши, турли турдаги кўргазмаларни намойиш этиши керак.

Марузанинг бу турини талабалар билан янги бўлим, мавзу, фанни ўрганишни бошлашда қўллаш яхши натижа беради. Бунда йўзага келувчи муаммоли вазият материални ўрганишга, ўқишининг бошқа турларида кўргазмали маълумотларни ривожлантириш кўнимасига психологик кўрсатмани яратади.

*Ҳамкорликдаги* Маруза муаммоли мазмундаги ўкув материалини икки ўқитувчининг ўзаро жонли диологик мулоқотида тақдим этилишидир. Бунда икки мутахассиснинг назарий муаммоларни икки нуқтаи-назардан мухокамаси каби аниқ касбий ва малакали вазият гавдаланади, масалан, назариётчи ва амалиётчи мухокамаси, бирон-бир фикр тарафдори ва бу фикрга қарши мутахассиснинг каби. Марузанинг бу тури талабаларнинг танқидий тафаккурини фаол равищда ривожланишига ҳизмат қиласи.

Бу жараёнда ўқитувчиларнинг ўзаро диологи эчими изланаётган муаммонинг эчимини ҳамкорликда излаш мкаданиятини намаён этиши ва бу жараёнга талабаларнинг саволлар, ўз нуқтаи-назарларини баён этиш, мухокама этилаётган Маруза мавзусига ўз муносабатларини шакллантириш, ўз бераётган ходисаларга ҳиссий жавоб қайтаришларини жалб этиши лозим.

Маруза вақтида хар икки ўқитувчининг юқори даражадаги фаоллиги талабаларда фикран ва аҳлоқан фаол бўлишни келтириб чиқаради, бу эса фаол таълим олишга хос бўлган хислат ҳисобланади: талабаларнинг билиш

жараёнига жалб этилганлиги ўқитувчиларнинг фаоллиги билан мос келади. Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари талабалар мунозара қилиш маданияти, диалогга киришиш усуллари, ҳамкорликдари изланиш ва якуний тўхтамга келиш ҳақида кўргазмали равишдаги тасаввурга эга бўладилар.

*Олдиндан режалаштирилган хатоликлар билан олиб бориладиган Маруза талабаларда касбий вазиятларни оператив равишда таҳлил этиш, эксперт, оппонент, рецензент сифатида қатнашиш, нотўғри ёки ноаниқ маълумотларни ажратиб кўрсата олиш кўниумасини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган.*

Ўқитувчининг Марузага тайёргарлиги шундан иборат бўладики, Маруза мазмунига маълум миқдорда семантик, методик ёки аҳлоқий доирадаги хатоликлар киритилиши талаб этилади. Бундай хатоликларнинг рўйҳатини ўқитувчи Марузага олиб келади, бироқ уларни талабаларнинг эътиборига Марузанинг охирида тақдим этади. Талабалар томонидан йўл кўйиладиган ва Маруза ўқиши жараёнида ўқитувчилар томонидан кўп холатларда учрайдиган хатоликлар танлаб олиниши мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи Марузани шундай маҳорат билан олиб бориши ва йўл кўйилган хатоларни яшириши керакки, унда йўл кўйилган хатоликларни талабалар яққол ва тез аниқлай.

Талабаларнинг вазифаси шундан иборат бўладики, дафтарларига йўл кўйилаётган хатоларни қайд этиб боришлари ва Марузанинг сўнгидаги уларни баён этишлари талаб этилади. Хатоларни мухокамаси учун 10-15 дақиқа ажратилади. Мана шу мухокама жараёнида ўқитувчи, талабалар ёки ҳамкорликда саволлар эмас, балки тўғри жавоблар бериб борилади. Олдиндан режалаштирилган хатоликларнинг миқдори ўқув материалининг, Марузанинг дидактик ва тарбиявий мақсадидан, талабаларнинг тайёргарлиги даражасидан келиб чиқиб белгиланади.

Талабалар ёки ўқитувчининг ўзи томонидан аниқланган хатоликлар муаммоли вазиятнинг вужудга келишига хизмат қилиши ва уни кейинги машғулотларда эчимини изланиши мумкин бўлади. Марузанинг бу турини мавзу, бўлим ёки фан якунида ўтказилганлиги мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда талабаларда асосий тушунча ва тасаввурлар шаклланган бўлади.

*Пресс-конференция Марузаси* қўйидаги шаклда олиб борилади. Ўқитувчи Маруза мавзусини эълон қиласди ва талабалардан ёзма равишда унга савол беришларини сўрайди. Ҳар бир талаба 2-3 дақиқа ичида ўзини қизиқтирувчи саволни шакллантириши ва уни ёзиб ўқитувчига ўзатиши талаб этилади. Шундан сўнг ўқитувчи 3-5 дақиқа давомида саволларни мазмунига кўра ажратиб чиқади ва Марузасини ўқишини бошлайди. Материалларни саволларга жавоб бериш сифатида баён этмайди, балки

шундай баён этадики, ҳар бир жумла бир-бирини давом эттириши ва тўлдириши керак бўлади, бироқ мана шу узвий боғланишга эга Марузадан барча берилган саволларнинг жавобини топиш мумки н бўлиши керак бўлади. Маруза якунида ўқитувчи берилган саволларни тингловчиларнинг билим савиясининг акси сифатида баҳолайди.

Пресс-конференция Марузасида талабалар фаолиятининг фаоллашуви ҳар бир талабага қаратилган маълумотларнинг айтиб ўтилиши билан белгиланади. Савони баён этишдаги мажбурийлик ва уни тўғри бера олиш талабалар билиш фаолиятини фаоллаштиради, ўз саволига жавобни олишга интилиш эса диққатни жамланишига сабаб бўлади. Талабаларнинг саволлари аксарият холатларда муаммоли характерга эга бўлиб, тафаккур жараёнларининг ижодий бошланиши ҳисобланади. Берилган саволларга ва уларнинг жавобларига ўқитувчининг шахсий, касбий ва ижтимоий муносабати талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатади.

Пресс-конференция Марузасини мавзу ёки бўлимни ўрганишдан олдин, ўртасида ёки охирида ўтказиш мумкин. Мавзуни ўрганишдан олдин бундай турдаги Марузанинг ўтказилишидан мақсад – талабаларнинг қизиқишилари ва талаблари доирасини аниклаш, уларнинг иш жараёнига тайёргарлигини ва фанга бўлган муносабатини аниклаб олишдан ибораот бўлади. Курс ёки мавзунинг ўртасида бундай Марузанинг олиб борилиши ўқув фани мазмунининг асосий жиҳатларига эътиборни қаратиш, талабалар билимларини тизимлаштириш, курс бўйича танланган Маруза ва семенар машғулотлари тизимини коррекцияланишига йўналтирилган бўлади. Пресс-конференция Марузасини бўлим ёки мавзу охирида ўтказилишидан мақсад – Маруза машғулотларига хulosा ва якун ясаш, кейинги бўлимларни ўргатиш учун ушбу бўлимнинг ўзлаштириб олинганлик даражасини аниклаб олишдан иборатdir.

*Суҳбат-* Маруза Суқрот давридан бери талабаларнинг ўқув жараёнига фаол равишда жалб этишнинг энг содда ва кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Суҳбат-Марузанинг афзаллик томони шундан иборатки, у талабаларнинг эътиборини мавзунинг нисбатан муҳимроқ саволларига кўпроқ жалб этиш, ўқув материалини баён этиш мазмuni ва темпини талабаларнинг индивидуал ўзига хосликларини инобатга олган холда баён этиш имкониятини беради.

Тингловчиларнинг суҳбат-Марузада иштироки турли усуллар орқали амалга оширилади, масалан, ҳам маълумотли, ҳам муаммоли характерга эга бўлган саволлар орқали. Суҳбат – Марузани ўтказища ўқитувчи берилаётган саволларнинг ҳеч бири жавобсиз қолмаслигига алоҳида эътибор қаратиши

лозим бўлади, акс холда улар талабалар тафаккури фаоллашувини этарли даражада таъминланишига эришмай, риторик характерга эга бўлиб қолади.

*Аниқ вазиятларни анализ қилиши* Марузаси шаклан жиҳатдан мунозара Марузасини эслатади, бироқ мухокама предмети муаммоли вазият бўлмайди, балки аниқ вазият ҳисобланади. Одатда бундай вазият оғзаки ёки жуда қисқа видеоёзув, диофильм тарзида тақдим этилади. Талабалар ушбу микровазиятни таҳлиол қилиб, бутун аудитория билан мухокама қиладилар. Диққатни қаратиш учун вазият характерли ва ёрқин танланиши лозим. Ўқитувчи алоҳида талабаларга қаратилган саволлар орқали мухокамадаги иштирокни фаоллаштиради, мунозарани ривожлантириш учун турли фикрларни билдиради, уни керакли томонга йўналтириб туради. Кейин талабаларнинг билдирган фикрларига таянган холда ўқитувчи ўта эҳтиёткорлик билан аудиторияни жамоавий хулоса ёки умумлашувга олиб келади.

Айрим холатларда микровазиятни мухокама қилиш аудиторияни қизиқтириш, алоҳида муаммоларга диққатни қаратиш, ўрганилаётган материални ижодий идрок этишга тайёрлаш мақсадида Марузанинг кейинги қисмига дебоча сифатида қўлланилади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Материалларни Маруза қилиб баён этишнинг танқиди ва мухокама этилган камчиликларни Маруза ўқишининг замонавий усулларини қўллаган холда қандай қилиб бартараф этиш мумкинлигини аниқ мисоллар билан тушунтиринг.
2. Марузанинг тўзилиши унинг уқилиш шаклидан келиб чиқиб ўзгарадими? Нима учун?
3. Пресс-конференциянинг афзалликлари қандай ва сиз пресс-конференция шаклидаги дарсда иштирок этганмисиз?
4. Сизнунгча энг самарали марўза шакли қайси?

### **МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

- 1. Мутахассислик фанларини ўқитишни ташкил этиш шаклларини белгиланг?**  
А) Маъруза, семинар, амалий машғулот  
Б) Маъруза, семинар, маҳсус семинар  
С) Амалий машғулот, мустақил иш  
Д) Илмий тадқиқот иши.
- 2. Қуйидаги ўқитиш шаклларидан қайси бирлари ташкилий ҳисобланади?**  
А) Маъруза, семинар, мустақил иш  
Б) Амалий машғулот

- Б) Лабаротор ишнинг
- С) Ўйиннинг
- Д) Семинарнинг

### **Адабиётлар:**

1. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. – 160 с.
2. Гейдебрандт К.Ф. Учебный план свободной вальдорфской школы. // Частная школа. – 1997. № 2
3. Гузеев В. В. Интегральная образовательная технология. – М., 1999.
4. Гузеев В.В. Образовательная технология: от приема до философии. М.: Сентябрь,1996.
5. Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология.- М.: Народное образование, 2000.
6. Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.
7. Ижтимоий педагогика. / Эгамбердиева Н.- Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 232 б.
8. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов: рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.
9. Загвязинский В.И. Теория обучения. Современная интерпретация. – М., 2001.
- 10.Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.
- 11.Кашлев С.С. Современные технологии педагогического процесса. М.: “Университетское”, 2000.
- 12.Левитес Д.Г. Современные образовательные технологии. Новосибирск, 1999.
- 13.Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
- 14.Муслимов Н.А., Кўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. Методик қўлланма. 2006.
- 15.Nurkeldiyeva D.A, Chicherina Y.YE, Yakubjonova D.B. Mutaxassislik fanlarini o‘qitish metodikasi. “Fan va texnologiya” Т.: 2013.
- 16.Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.
- 17.Яркулов Р., Махмудова М.Ф. Высший педагогический образовательный процесс. Учебное пособие для студентов педагогических институтов и университетов. ТГПУ имени Низами. Т., 2007.

**4-мавзу Махсус педагогика фанларини ўқитишда  
инновацион  
технологияларга асосланган амалий машғулотларини  
лойихалаш**

**Режа:**

- 1.Махсус педагогика фанларини ўқитишининг ташкил этиш шакллари.
- 2.Махсус педагогика фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган амалий машғулотларини лойихалаш

**Асосий атамалар ва тушунчалар**

Метод, лойихалаш, лаборатор машғулот, фронтал, гурухли, индивидуал, вазиятли-ролли ўйин, ишга доир ўйин, аниқ вазиятларни таҳлил қилиш методи, тренинг, дифференциал диагностика, ташхисни амалга ошириш бўйича таклидий машғулотлар, коррекцион машғулотлар.

Лаборатор (амалий) машғулотлар – ўқув фанининг илмий-назарий асосларини билиб олиш, ижодий фалият кўникмаси ва тажрибасига эга бўлиш, техник воситаларни қўллаган холда замонавий амалий ишлаш методларини ўзлаштириш мақсадида ўқитувчи назорати остида талабалар томонидан ўқув топшириқлари комплексини бажаришни назарда тутувчи ўқув жараёнини ташкил этишининг асосий шаклларидан бири хисобланади. "Лаборатория" сўзи лотин тилидаги "лабор" сўзидан олинган бўлиб, меҳнат, иш, қийинчилик деган маъноларни билдирадитруд, работа, трудност.

Лаборатор (амалий) машғулотлар уларни бажаришнинг назарий асосини ёритиб берувчи Марузалардан сўнг амалга оширилади. Мухим назарий маълумотлар ёки ушбу маълумотларни қамраб олган аниқ ўқув нашрига ссылкаси (кўрсатмаси)ни қамраб олган лаборатор (амалий) ишлар

тавсифи келтирилганда назарий материалларни ўрганишни энгиллаштириш мақсадида лаборатор (амалий) машғулотларни Марузадан олдин ўтказилши мумкин бўлади.

Лаборатор (амалий) машғулотининг мақсади реал амалий фаолият шароитда талабаларнинг бошқариувчи билиш фаолиятини ташкиллаштиришдан иборат.

Лаборатор (амалий) машғулот тўзилишига хос бўлган элементлар: кириш, асосий ва яқуний қисмлардир.

Кириш қисми талабаларнинг иш топшириқларини бажаришга тайёргарлик кўришларини таъминлайди. Унинг таркибига: мавзу, мақсад ва вазифаларни баён этиш, талабаларнинг касбий тайёргарлигига унинг аҳамиятини асослаш; ушбу мавзунинг курсдаги бошқа мавзулар билан боғлиқлигини кўриб чиқиш; ишнинг назарий асосларини баён этиш; иш топшириқлари таркиби ва ўзига хосликларини тавсифлаш, уларни бажаришга ёндошувни (метод, усулларни) тушунтириш; иш натижаларига қўйиладиган талабаларни тавсифлаш; талабалар томонинг ишни бошлашга тайёргарликларини текшириш; ўқитувчи назорати остида топшириқдан бир намунани бажариб кўриш; талабалар томонидан топшириқларни бажарилишида натижаларни мустақил бошқариш бўйича кўрсатмалар бериш.

Асосий қисм талабалар томонидан топшириқларни мустақил бажаришларини назарда тутади. Иш жараёнида қўшимча тушунтиришлар; йўзага келган қийинчиликларни бартараф этиш; иш натижаларини жорий назорат қилиш ва баҳолаш; талабалар саволларига жавоб бериш кабилар билан биргаликда амалга оширилиши мумкин.

Яқуний қисм таркибига: машғулотнинг умумий хulosасини (ижобий, салбий) чиқариш; айrim талабаларнинг ишлари натижаларини баҳолаш; талабаларнинг саволларига жавоб бериш; талабалар иш кўрсаткичларини яхшилаш ва уларнинг билим, малакалари тизимидағи бўшлиқларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш; ўқитувчи томонидан бажарилган ишларни текшириш учун талабаларнинг ҳисботларини тўплаш; кейинги ишларни бажаришга тайёргарлик кўриш, жумладан ўрганилиши керак бўлган ўкув адабиётлар ҳақида маълумотларни баён этиш.

Машғулотларда талабалар ишини ташкил этиш шакллари: 1) фронтал, 2) гурӯхли, 3) индивидуал.

Машғулотни фронтал шаклда ташкил этишда барча талабалар бир вақтнинг ўзида бир хилдаги топшириқни бажарадилар. Бундай шаклдаги амалий машғулотнинг одатий мисоли - талабалар томонидан мактабда ўқитиладиган бирон-бир фаннинг ўкув дастурини таҳлил этилишидир. Яна

бир мисол талабаларнинг бири ўқитувчи, бошқалари эса ўқувчилар сифатида “дарс ўтишлари” дир. Дарснинг яқунида талабалар томонидан унинг таҳлили амалга оширилади, “ўқитувчига” тавсиялар ишлаб чиқилади.

Машғулотни гурухли шаклда ташкил этишда битта топшириқ бир нечта кишидан иборат бўлган кичик ўқув гурухларида бажарилади. Икки кишилик (текширувчи - текширилувчи) ёки уч кишилик (текширувчи – отаона - текширилувчи) гурухчаларда психолого-педагогик ёки логорпедик текширишни ўтказиш –максус фанлар бўйича кўпгина лаборатор ишларнинг ўтказилишнинг анъанавий схемасидир.

Машғулотларни индивидуал шаклда ташкил этишда талабаларнинг ҳар бири индивидуал топшириқни бажаради. Сўнгра улар ишни бажариш тажрибаси билан ўзаро алмашадилар.

Ўқув фанларининг ўзига хосликларини ва ўқув мақсадларини инобатга олган холда амалий машғулотларни ташкил этиш шакллари қуйидагилар : машқлар, тренинглар, вазиятли топшириқларни хал этишга қаратилган машғулотлар, аниқ топшириқларни моделлаштириш бўйича машғулотлар, ролли ўйинлар, ишга доир ўйинлар, дарслар, коррекцион машғулотлар ёки ташхисни амалга ошириш бўйича тақлидий машғулотлар, мактаб, МТМ, кўзатиш бўйича максус топшириқга эга бошқа максус муассасалар негизида кўчма машғулотлар, дарсларни мустақил ўтказиш ва х.к.

Амалий машғулотларни ўтказишнинг айрим шакллари хусусиятларини кўриб чиқамиз.

*Вазиятли-ролли ўйин* қуйидагича ташкил этилади. Талабалар гурухи олдига диагностик, дидактик ва бошқа характердаги амалий топшириклар кўйилади. Талабалар орасида вазифалар тақсимлаб берилади. Ўйинда иштирок этувчиларнинг ҳар бири олинган маълумотларни таҳлил қилиб чиқиши керак, ролига мос холдаги харакатларни тавсифлаши ва бажариши лозим.

*«Ишга доир ўйин»* Амалий машғулотни қатъий сценарий бўйича “ишга доир ўйин” шаклида ўтказиш ҳам мумкин. Бунда бошловчida (ўқитувчida) тақлид этилувчи объектни: аутизм, ақли заифлик, нутқ бўзилишлари ва х.к. (бода ёки болалар ота-оналарини дифференциал диагностика қилиш бўйича ўйинлар холатида) ўйин иштирокчиларнинг (тўғри ва нотўғри) турли харакатларига боҳлиқ равишда ташхис қилишнинг мавжуд вариантлари, ҳар бир боскичдаги харакатларнинг эталони мавжуд бўлади. Боланинг бундай ташхислари вариантлари ва ота-оналар, текширувчиларнинг психологик тавсифи учун ҳам мос холдаги харакатлар эталони ва қабул қилинган эчимлар бўйича янги холатлар ва х.к. мавжуд бўлади. Шундай қилиб, ўйинга

тайёргарлик даврида ташкилотчи дастлабки вазиятда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни кўра билиши, ўйин иштирокчиларига талабаларнинг реал ҳаракатлари натижасида йўз берган ўзгаришлар хақида маълумот бериш учун доимо тайёр бўлиши лозим. Ўйинни ўйнаш учун қуидаги методик хужжатлар талаб этилади:

- ўйин бошловчиси учун кўрсатмалар;
- ўйин иштирокчилари учун кўрсатмалар;
- мос равишдаги хариталар тўплами;
- керакли хужжатлар, дидактик материаллар, ўқув жиҳозлари, психолого-педагогик текширув методикалари ва х.к.

*Аниқ вазиятларни таҳлил қилиши методи* ўйин асосида таълим беришнинг илк шаклидир. Талабалар билиш жараёнларини аниқ вазиятларни таҳлил қилиш шаклида ташкиллаштириш таълим олувчиликнинг контингентии ва машғулотнинг дидактик мақсадларидан келиб чиқиб бир қатор кўринишларга эгадир. Улар қаторига “микровазиятларни” ёки Маруза давомида казус (чигаллик)ларни таҳлил қилиш, реал ҳаётда йўз берган зиддиятли вазиятларни кўриб чиқиши, вазиятли муаммоларни хал этиши ва х.к.

Олий мактаб амалиётида аниқ вазиятларни таҳлил қилиш методи тарбиявий ишларда педагогик кўникмаларни янада ривожлантириш мақсадида жуда кўп қўлланилади. Материалларни мос равиша танлашда ва машғулотни тўғри ташкиллаштиришда вазиятли топшириқлар кўргазма, машқ, илк тажрибадларни ўзатиш воситаси сифатида ҳам ҳизмат қилиши мумкин.

